

ПОЛ БРЕГГ

**ЮРАКНИ
УЙ ШАРОИТИДА
ДОРИСИЗ ДАВОЛАШ**

**«MERIYUS»
Тошкент-2013**

УДК: 811.512.133 373.231

ББК: 53.59

Б-11

Брэгг, Пол

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш /

П.Брэгг; таржимон А.М.Муҳаммад. - Тошкент: MERIYUS, 2013.
64 бет.

ISBN 978-9943-395-76-3

УДК: 811.512.133 373.231

ББК: 53.59

Тақризчи
Тоҳир Ибрагимов
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Таржимон
Абду Муталлиб Муҳаммад

Пулга каравот ҳарид қилиш мумкин, аммо сиз уйқу со-
тиб олмайсиз; китоб оласиз, аммо ақлни эмас; овқат ҳам
толасиз, аммо иштаҳани эмас; башанг кийим-кечакни, аммо
гӯзаликни эмас; гори-дармонни, аммо саломатликни эмас;
зеб-зийнатни, бироқ маданиятни эмас; сайру томошани,
аммо баҳт-саодатни эмас; динни, аммо баҳту нажотни
эмас.

2013/9 A6749 Alisher Navoiy

nemidagi

O'zbekiston MK

31748

09/01

Пол Брэгг

ISBN 978-9943-395-76-3

© И.Нуриллоҳ, 2013

© "MERIYUS" XMNK, 2013

СҮЗ БОШИ

Таниқли парҳезшунос, соғлом ҳаёт тарғиботчиси Пол Брэгг ушбу китоби орқали юракни асраб-авайлаш, унинг маромида ишлашига оид кўплаб тавсиялар беради. Бу борада, аввало, табиий озуқаларни истеъмол қилиш лозимлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, инсон доимий ҳаракатда бўлиши, жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланиши лозимлигини эътироф этади. «Овқат ейиш, жисмоний машқлар, нафас олиш, уйқу, кийиниш ва оддий ҳаёт - барида табиат билан тўлиқ уйғунликка эришинг», дейди у. Зотан, Брэгг қайд этганидек, ана шунда юрак хуружлари камайиши, нохуш ҳасталиклар чекиниши мумкин.

Пол Брэгтнинг қўлингиздаги ушбу «Юракни уй шароитида дорисиз даволаш» рисоласида ҳозирги техника, фан тараққиёти даврида инсониятни анчагина безовта қилиб келаётган муаммо: юрак касалликларини уй шароитида дорисиз даволаш ва касалликнинг олдини олиш ҳақида сўз боради.

Пол Брэгтнинг дорисиз даволаш ёки очлик билан даволаш китоби Европа давлатларида немис, испан, рус ва бошқа тилларга ўгирилиб миллионлаб нусхаларда чоп этилган.

Инсонга бир мартағина ҳаёт ва битта юрак берилган, – дейди Пол Брэгг. – Шундай экан, юракни асраб-авайлаб, ақл-фаросатимизни ишлатиб, унинг умрини узайтиришга кўмаклашайлик.

МЕН НИМЖОНГИНА БОЛА ЭДИМ

Үзгалар ҳавас қилса арзигулик саломатлигим менга фахр бағишлийди. Унга мана шу китобда ёзилган услубларим натижасида эришганиман. Мен Виржиния штати ичкарисидаги тамаки ва чўчқа етиширадиган плантациялардан бирида юраги нософлом бўлиб туғилганиман. Ҳозирги замонавий касалхоналарда ҳам мен каби туғилган болаларга катта зътибор қаратилади. Умримнинг биринчи 14 ойидаёқ менинг ҳаётим учун кураш бошланган. Ўшандай юрагимнинг қаттиқ уриши безовта қиласарди. Саккиз ёшга тўлганимда мени ревматик қалтироқ йиқитди. Шунда 11 кун мобайнида ҳаётва ўлим орасида яшадим. Юрагимнинг хуруж қилиши мени соғлом тенгқурларим билан бирга югуришга, ўйнашга халақит берарди. Унинг кетидан яна бошқа касалликлар: синусит, астма, бронхит, кейинчалик сил қасаллиги вужудимни забт эта бошлашди. Бир неча йиллаб санаторийларда ётганимда касалимни даволашнинг иложи топилмагач, тузалиб кетишимга умид йўқолган эди.

ДУНЁДА ЭНГ АЖОЙИБ МЕХАНИЗМ БУ – СИЗНИНГ ТАНАНГИЗ

Фараз қилинг, сизга қандайдир сеҳргар ажойиб, унчалик оддий кўринмаган машина совға қилди. Машина ҳамма ишни мустақил равишда бажаради. Ўзи юради, таъмирланади, ҳар қандай ақлий, жисмоний ишларни бажара олади. Унинг

ишлаш муддати 120 йил ёки ундан ҳам ортиқроқ. Сиз шундай машинани кўз қорачиғингиздай сақлай оласизми? Албатта сақлайсиз. Унга шундай шароит яратасизки, у иложи борича узоқ ва унумли ишлайдиган бўлади. Ҳар куни сиз бу мўъжиза – машинанинг мукаммаллашганидан ҳайратланасиз.

Энди шошилмай ўз танангизга ўйлаб кўринг. Яратганинг ўзи сизга мўъжиза – машинани совфа қилган. Бу -сизнинг ўз танангиз. Бу мўъжиза-машинада бир умр тўхтамайдиган мотор (юрак), ҳазм қилиш системаси (овқат ҳазм қилиш системаси), фильтрлаш системаси (буйрак), фикрлаш аппарати (бош мия ва асаб тизими), ҳароратининг бир меъёрда ушлаш ускуналари (тер ажратадиган безлар) ва ҳоказолар мавжуд. Бундан ташқари, бу ажойиб кашфиёт ўзидан кўпайиш, кўпайтириш қобилиятига эга.

БУ МАШИНАНИНГ САМАРАЛИ ИШЛАШИГА ИМКОН БЕРИНГ

Сиз соғлом вақтингизда ўз танангиз ҳақида қай даражада қайғурасиз? (Қайғуриш деганда мен ўзингизга эрк бериб, майшатпарастликни эътиборга олаёттаним йўқ. Аксинча, қилаёттан ишингизни аниқ ўйлаб қилишингизни, унинг натижасини, ҳозирги замон талабига жавоб бера олишини назарда тутаяпман).

Кўпчилик инсонлар табиатан соғлом туғиладилар. Лекин аксарият кишилар соғлик деган бундай бебаҳо бойлик аслида ўзи табиатан

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

шундай берилади, деб тушунишади. Табиат ҳамма вақт ҳам бундай нодонликни кечира-вермайди. Янги автомобилдан фойдаланиш билан бирга унга вақтида қарамай яроқсиз ҳолга келтириш мумкин. Лекин сиз қиммат-баҳо машиначангизни яроқсиз ҳолга келишига мутлақо йўл қўймайсиз. Худди шундай тахлитда ўз организмингизни ҳам ишдан чиқариб қўйишингиз мумкин.

Инсон ўз организмида нималар кечаётганини англаб етмаганига қадар у ҳақда асло қайғурмайди. Кўпчилик инсонлар организмида кечаётган физик жараён ҳақида қарама-қарши тушунчага эта. Бу китобда сиз "Организм қандай ишлайди? Унга руҳий ҳис-ҳаяжон жараёnlарининг таъсири қандай бўлади? Унинг тўлиқ куч билан ишлаши учун нималар қилиш керак?" деган саволларга жавоб топасиз.

ЮРАК ХУРУЖИНИНГ САБАБЛАРИ

Бутунги кунда ҳаёт жадал тарзда ривожлана-яптики, ундан ортда қолмаслик учун бўлаётган ҳаракат юрак хуружига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам асабларнинг таранглашуви, жаҳлнинг бомбадек портлаши, юрак хуружининг ўлим билан якунланиши бунинг исботидир.

Аммо юрак хуружининг асосий сабаби қон томирларининг тиқилиб қолишидир. Бу касаллик қон томирлари деворига занг сифатида аста-секин тинимсиз равишда ёпишиб, жойлашади. Сиз буни сезган чоғингизда кўпинча кеч бўлади. Энди "Қон томирларининг ахволи қан-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

дай ҳолда эканлигини қандай билиш керак?" деган савол туғилади. Тананинг баъзи қисмларида, масалан, оёқда дейлик, мускулларнинг қон билан таъминланишидаги камчилик оёқдаги чарчоқ, қақшоқ оғриқларни келтириб чиқарди. Лекин юракнинг ўзида асабнинг бош мияга қайтариб хабар бериш вазифаси йўқ. Шу сабабли кўпгина иродаси бўш кишилар олдига нимани қўйсаям паққос туширишаверади, ўз саломатликлари ҳақида ўйламайдилар. Лекин, юрак хуружи тутишини улар ўз иродаси бўшлиги туфайли эканлигини тушунишармикан? Асло йўқ! "Барига қаттиқ ишлаганим ёки асабимнинг таранглиги сабаб", деб ўйлашади. Келинг, чуқурроқ мулоҳаза қилайлик. Машаққатли иш, руҳий таъсирчанлик ҳолати, асабларнинг таранглашуви нима дегани? Инсоният ақлини танибдики, шундан буён қаттиқ ҳис-ҳаяжон, гоҳо мусибатли ҳолатда яшайди. Шу нарса аниқки, ҳаётнинг ўзи турган-битгани ташвишдан иборат. Яшаш атроф-муҳитнинг салбий босими ёки таъсирининг 24 соат мобайнида ҳис этишдир. Биз билган инсон, бизнииг тасаввуримиздаги-дек, ҳеч қачон осойишта яшай олмайди.

ЯШАШ УЧУН КУРАШ СИРЛАРИ

Кучли, мустаҳкам танага эга бўлсангиз, ҳар қандай ҳаётий машаққатларга қарама-қарши тура оласиз. Саломатлик, куч-қувват, сабр-тоқат ҳаётий куч заҳирасига эгалик – мана шулар турли асабийлик ҳамда ҳаётдаги нохушликларга қарши қуролингиз бўла олади.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Далилларга мурожаат қиласынан. Ахир айни пайтда биз шафқатсиз ва ҳис-түйғулардан маҳрум дунёда яшаб турибмиз-ку! Бу заиф, нотавонлар учун азоб-уқубат-ку!

Үз-үзини эңтиёт қилиш – ҳаётнинг биринчи қонуни. Менинг китобим айнан ана шу ҳақда. Сиз дадил ва соғлом бўлишингиз, меъёрдаги ҳаёт қувончини таъминлаш учун кураш олиб боришингиз керак.

Хоҳ бой, хоҳ камбағал бўлинг, саломатлигинизни табиий озуқа билан таъминлаб, жисмоний фаолликни яратинг.

БОЙЛИК УЧУН САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ ГАРОВГА ҚЎЙМАНГ

Дунёда қанчалаб нодон одамлар пул топиш мақсадида 15-20 йиллаб ўтириб, "пул ишлашади" ва юрак хуружи ёки бошқа касалликни орттиришганида "Шунчалик қаттиқ ишладимки, менинг барча касалликларим зўриқиши туфайли" дейишади. Бўлмағур хулоса. Агар у ўзининг организмига етарли даражада зътибор берганнида эди пул ҳам ишлаган бўларди, саломат ҳам бўларди. Биз ўзига тўқ кишиларнинг "соллигим учун бутун бойлигимни берардим" деганини кўп марта эшитганмиз. Агарда улар озроқ фаҳм-фаросатли бўлганларида ҳаётда унисидан ҳам, бунисидан ҳам ўзларини маҳрум этмасдилар. Улар ўzlари учун энг кераклиси организм эканлигини, унинг тузилиши тўғрисида маълум бир тушунчага эга бўлишни исташмайди. Агар истаганларида эди, организ-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

мнинг асосий функциясини билиб, ўзларини ҳар хил ортиқча неъматлардан тийган бўлардилар. Кўпинча одамлар ҳаётда юқори мавқега эга бўлиш учун кўп вақтларини сарфлашади, лекин ўз танасининг саломатлиги учун нима қилиш керак, нима қиласлик кераклиги ҳақида ўйлаб кўриш учун 5 дақиқа ҳам вақт сарфла-майдилар. Саломатлик узоқ умр кўриб, ҳаёт завқини суриш асосидир.

САЛОМАТЛИКНИ ҚАНДАЙ ТИКЛАШ КЕРАК?

Ҳа, инсон организмининг энг ажойиб хусусиятларидан бири, бу – тикланиш хусусияти-дир. Агар сиз, масалан, бир жойингизни кесиб олсангиз, у ҳолда янги тўқима жароҳат олган, заха еган жойни эгаллаб, жароҳат битиб кетади. Дейлик, суяк сингудай бўлса, у олдингисидан янада мустаҳкам бўлиб ўсади. Ҳар қандай жароҳат тезлик билан битиб тузалади, бунинг учун озгина ғамхўрлигингиз кифоя.

Сизнинг йиллар давомида нотўғри турмуш тарзи кечириб, организмга етказган зарарингиз очиқдан-очиқ маълум. Шу билан бирга, организмга узоқ вақт давомида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинг, бунда вақт ва хатти-ҳаратни аямасангиз, у етарли даражада яхши тикланади.

Аммо бунда мўъжиза кутмай қўя қолинг. Организмни хароб қилиш учун кўп вақт талаб этилган эди, энди эса уни тиклашга ҳам анча вақт керак бўлади.

КАСАЛНИ ДАВОЛАГАНДАН КҮРА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Табиий тоза маҳсулотларни истеъмол қилиб, жисмоний фаолликда яшасак, саломатлик ва узоқ умр кўриш йўлидан борган бўламиз. Кўпчилик кишилар касалликнинг олдини олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Мен ўзимнинг ҳаёт кечириш дастуримда касалликнинг олдини олиш, саломатликни сақлаб яшаш ҳақида тушунча бераман. Агар амал қилсангиз, сизнинг юрагингиз ҳар қандай ёшда ҳам толиқмайди ва ҳамиша соғлом бўлади. Сиз бугундан бошлаб юрагингизнинг меъёрий тарзда ишлиши учун дастлабки саъӣ-ҳаракатларни бошлайсиз, ҳатто танангиз сиҳатлигини мукаммалаштирасиз. Биз ўз куч - қудратимизнинг катта қисмини қуёш энергиясига тўйинган озиқ-овқат маҳсулотларидан оламиз. Шунинг учун ҳам тоза овқат - саломатлик гарови хисобланади. Саломатликнинг навбатдаги омили кўпроқ эътибор талаб қиласидиган бу организмда қон айланиш системасининг қон билан тўла таъминланишидир. Қоннинг яхши айланиши учун доимий жисмоний ҳаракатда бўлиш керак. Бунинг натижаси сизнинг унга сафарбар этган кучингизга боғлиқ, мукофоти эса, ҳар қандай шароитда сизга панд бермайдиган соғлом танангиздаги соғ ақлингиздир. Ҳаётдаги ҳар қандай қийинчиликни жилмай-ганча осонгина енгаверасиз.

ЮРАК ХУРУЖИ – БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ҚОТИЛ

Юрак хасталиги ҳамда қон-томир тизими касаллиги АҚШда ҳар йили бир миллионга яқин кишининг ёстигини қуритади. Бу барча касалликлардан ҳалок бўлганлар сонидан ҳам кўпроқ. Шу билан бирга, у саломатликни барбод этувчи асосий омилдир. Америкада барча ёшдаги 22 миллиондан ошиқ киши юрак ва қон-томир хасталикларидан азият чекади. Кимки бир марта юрак хуружини бошдан ўтказган бўлса, бошқасини кутиб, доимий ваҳима ичиди яшайди. Айтиш мумкинки, кўпгина америкалик эркаклар (бутунги кунда 92 миллион киши) агар огохлантирувчи чоралар тизими асосида яшашни бошламаса, юрак хасталиклири оқибатида дунёдан кўз юмадилар Америкадаги юрак касалликлари уюшмаси тақдим этган клиник тадқиқот натижаларига қараганда, ҳар бир одам тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик туфайли соғлом юракка эга бўлиши мумкин. Бахтга қарши бу маълумотлар матбуотда тегишлича ёритилиб, қизиқиш уйғотмади.

ЮРАК ВА ҚОН АЙЛАНИШ СИСТЕМАСИ

Юрак – ҳақиқий жуфт насос. Ҳар қайси томонида иккитадан камера – юрак олди ва қоринча бор.

"Юрак касалликларини билиш учун аввало юрак ва қон айланиш системаси ҳақида ту-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

шунчага эга бўлиш керак. Юрак – қон томирлари системаси бутун организмдаги миллиардлаб тўқималарни етарли даражада озуқа моддалари ва кислород билан таъминлаб, ундан заҳарли, ортиқча моддаларни олиб чиқади. Томирларда қон 100 мил масофада айланиб, танадаги юракнинг ўзидағи оёқ, қўл, бармоқлардан тортиб бошқа барча тўқималарни қон билан таъминлайди. Одамда ўрта ҳисобда 4,5 дан 6,5 литргача қон бу системани тўлдириб туради. Дам олиш пайтида бу системада бир дақиқа ичида бир марта қон бўлиб, айланиб чиқади. Ишлаган ёки машқ вақтида қон бу системада ҳар дақиқада 7-9 марта айланади. Системадаги бундай тезлик барча тўқималарни қон билан таъминлаб, улардаги ортиқча чиқиндиларни олиб чиқиш учун керак. Ҳатто дам олиш пайтида ҳам бир суткада юрак 13 тоннадан кам бўлмаган қонни сўриб туради.

ЮРАК, БУ – МУШАК

Юрак мушак аъзосидан иборат бўлиб, у кучли ва етарли даражада самарали ишлаши лозим, у гарчи ҳажм жиҳатидан муштдан катта бўлмасада, нийоятда улкан вазифани адо этади.

Юрак, бу – мисоли мушакдан иборат насосга ўхшайди, унинг ҳаётий вазифаси доимий равишда, асло тўхтамасдан бутун организмдан қонни алмаштириб туришдан иборат. Қоннинг энг муҳим вазифаси қонга кислород етказиб бериш ҳамда тўқималарни озуқа бўлувчи восита билан таъминлаб туришдир.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Кислород даставвал ҳаводан ўпкага келади. Кислород билан тўйинган қон (қизил рангдаги) юракка бодилар тўпланиб қолмаслигининг олдини олади, айниқса, артерияларда. Агар овқатланишда ёғли таомларни ёғи кам егуликларга алмаштирсангиз, бу ҳолат томирларда холестрин туриб қолишининг олдини олади (кейинроқ алоҳида тўхталиб ўтамиз).

АРТЕРИЯЛАР ВА ВЕНАЛАРНИНГ МУРАККАБ ТИЗИМЛАРИ

Қон айланишининг асосий мақсади организмининг керакли озуқа моддалари, кислород билан таъминлаб, уларни мунтазам равишда ортиқча заҳарли чиқиндилардан тозалаб туришdir. Буни амалга оширадиган бутун танадаги кўплаб қон томирлари қон томирлари системаси дейилади. Юракдан қонни ташувчи томирлар артериялар, юракка қонни ташувчи томирлар веналар дейилади. Барча қон томирлар ирмоқлар, дарёчалар каби битта дарёга қўйилади. Энг катта қон томири бош артерия ёки аорта бўлиб, бевосита юракдан чиқиб, марказий кичик томирларни қон билан таъминловчи магистрадир. Энг кичик артерия ва веналар капилярлар дейилади. Булар шунчалик кичикки, кўпчилигини микроскоп орқали кўриш мумкин. Тўқималарга озуқа моддалари асосан капилярлар орқали кислород ажратади ҳамда веналарга ҳужайралардаги кислородсиз қон ва ортиқча заҳарли чиқиндилар ўтади

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

ва юракка келади, йўл-йўлакай қондаги ортиқча чиқиндиларнинг катта қисми буйракда қолади, сийдик билан чиқиб кетади. Бошқа заҳар - углероднинг икки оксиди ўпка орқали чиқиб кетади.

КОННИНГ ТОЗАЛАНИШИ

Етарли озуқалар билан бойиган қон вена орқали юракка қайтади ва шу заҳоти ўпка артерияси орқали ўпкага сўрилади. Бу ерда қондан углероднинг икки оксидини ажратиб, тезда кислородга тўйинилади. Кейин қон яна юракка қайтиб, аорта орқали бутун танага тарқалади.

Танада қон айланиш ҳолати оддий эмас. Қон айланиш икки хил бўлиб, бири юракдан танага, иккинчиси танадан юракка ўтади. Биринчиси катта айланиш – тўқималарга, узоқдаги қисмларга (оёқ, қўл, бармоқ учларига) ички органларга ва яна юракка қайтади. Иккинчиси, кичик айланиш – фақат ўпкадан юракка, юракдан ўпкага ўтади.

Артерияда қон босими венадагига қараганда анча катта, чунки у юракдан чиқсан қонни қабул қиласиди.

ЮРАК УРИШ РИТМИ

Юракнинг пастки қисми ўрта чизиқнинг пастроғида жойлашганлиги учун кўкрак қисмининг чап томонидан эшигтан маъқул. Юракнинг асосий қисми кўкрак қафасининг марказида жойлашган.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Соғлом юракнинг доимий ритми бор. Уни пульс дейишади. Асосий артериялардан терига яқинроқ жойдан пульсни ўлчаш мумкин. Катта одамда меъёрдаги пульс ҳар дақиқада 72 марта уради. Ҳар қайси уришдан кейин юрак дам одади. Агар одам 40 ёшга кирган бўлса, юраги ўрта ҳисобда 8 йил дам олган ҳисобланади.

Агар одамнинг юраги соғлом бўлса, тананинг ҳар қайси катақчалари қон, кислород билан таъминланади. Бу дегани оёқ, қўл ҳар қандай совукда ҳам иссиқ туради ёки ҳавонинг ўзгариши унга таъсир қилмайди. Кечки сайрлар, жисмоний фаоллик қоннинг айланишини яхшилади, томирларнинг тиқилишини, асан атресклерозни бартараф этади. Агар одам тўйинган қаттиқ ёғ ва ҳайвонлардан олинадиган ёғни кам истеъмол қиласа, қон томирларини чўкмалардан сақлайди.

ЮРАК ХУРУЖИ НИМА?

Инсон нотўғри овқатланиб, ҳар куни жисмоний машқлар билан шуғулланмаса, қон томирларида чўкмалар ҳосил бўлади. Бу холестерин деб юритилади. Мазкур чўкмалар томир деворларининг шикастланишига, тешиклар, бурмалар ҳосил бўлишига олиб келади, булар янада кўпроқ холестерин ҳамда минерал моддалар тўпланишига сабаб бўлади. Мазкур ҳолат агеросклероз дейилади.

Қонни томир уришига кўра қўйиб юбориш ўрнига томир деворлари қаттиқ ва фадир-будир бўлиб қолади. Тўпланиб қолган чўкиндилар, қуй-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаши

қалар канални торайтириб, қон ўтадиган жой кичраяди, натижада қоннинг ўтиш тезлиги сусаяди.

Қоннинг ўтиши бутунлай тўхтаб қолиши мумкин, бунда чўкмалар, томир деворларига ёпишиб қолган қолдиқлар тромб (томирда ивиб қолган қон) тўсиқ ҳосил қиласади, натижада томир бутунлай ёпилиб қолиши мумкин. Тўсиқ юракнинг артерияларидан бирида рўй берса, у ҳолда коронар тромбоз ҳосил бўлади ёки юрак томирлари бекилиши (тўсилиши) учун шароит юзага келади. Юракнинг ўша қисмида қон келиши камайиши билан озуқа ва кислороднинг таъсир этиши ҳам тўхтаб қолади. Бу жараёнлар юрак хуружи учун асос бўлади.

ЮРАК ХУРУЖИДА БУЙРАКНИНГ ИШТИРОКИ

Буйракда қон таъминоти пасайганда унинг иш фаолияти анча сусаяди. Шу боис, буйраклар организмдан ортиқча заҳарни етарлича чиқаза олмайди. Натижада организмда суюқлик баланси бузилади. Бунда артерияларга оғирлик тушади. Уларнинг ҳолати ёмонлашади.

ИНСУЛЬТ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАМИЗ?

Бош миянинг муайян қисмида қуюқ қон тўлиб, қон йўлини тўсиб қўйса, аппоплексик хуружга ёки инсультга шароит туғилади. Бунда тананинг бош миянинг шу бўлаги билан боғлиқ қисми паралич, фалаж бўлади (ишла-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш майди). Бундан кўриниб турибдики, одамнинг ёши унииг артерияларининг соғломлигига боғлик, деган ибора ўз тасдирини топаётир. Буни инкор этиш мутлақо нотўғри.

ЮРАК ХУРУЖИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Америкада ҳар йили минглаб одамлар юрак хуружини бошдан кечиради. Агар сиз бунинг олдини олмасангиз, эртага унинг қурбони бўласиз. Баҳтсизликнинг олдини олиш учун ҳозирданоқ ишга киришинг Юрак хуружининг сабаби қон томирларидағи холестерин моддаларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши деб ўйлайман. Бундан қутилиш учун бир умр ҳар куни меҳнат қилиш керак. Агар сиз жиддий юрак хуружининг олдини оламан, десангиз, менинг "Соғлом юрак дастури" мга амал қилишни ҳозироқ бошлаб юборинг.

Энг асосий машғулот бу – артерияни тозалаш. Артерияда қоннинг эркин ўтиши учун у силлиқ, эгилувчан бўлиши керак.

ҚОНДА ХОЛЕСТЕРИН ДАРАЖАСИНИНГ МЕЬЁРИ

Қонда ёғ ва холестерин маълум даражада бўлиши керак. Унинг ортиғи хавфлидир. Шунинг учун ҳам қонда холестеринни меъёрий тарзда сақлаб туриш керак. Қонда холестериннинг қанча миқдорини меъёрий дейиш мумкин? Бунда қайси давлатда юрак Академияси науқарилиги билан сўралиши ўз аниқлаш рининг йўқлиги билан сўралиши ўз аниқлаш

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

мүмкин. Америкада юрак касалликларини тұла үрганиб чиқиб, шифокорлар шундай хulosага келишди. Қонда холестерин миқдори 200 бирликтен ошиб кетмаслиги керак. (Хозирда АҚШда 230 - 240). Мен 120 дан 180 гача бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки мен ўзимда шу даражада сақлаб тураман. Бир йилда 2 марта қондаги холестерин миқдорини ўлчатиб, ўзингизни хавф-хатардан холос қилинг, кейин ағсусланмайсиз.

ОЧЛИК - ҚОНДАГИ ХОЛЕСТЕРИННИ КАМАЙТИРИШНИНГ ЭНГ ТЕЗ ВА ТАБИЙ УСУЛИ

Организмдаги ортиқча нарсаларни очлик йўли билан чиқариб ташлаш ҳаётингизни узайтиради. Алексес Каррел, таниқли олим, тиббиёт фанлари доктори:

— Менинг фикримча, очлик — қондаги холестерин миқдорини пасайтиришниң энг осон ва енгил услуби. Мен бир йилда 2 марта холестерин миқдорини ўлчатаман. Агар у 180 даражадан ошса, 3-7 кунгача оч юраман. Шунда у 180 даражадан пастга тушади. Очлик юракка дам беради. Шунинг учун ҳам мен ҳафтасига 24 соат давомида оч юраман. Бундай ҳолатда мен фақат дистилланган сув ичаман. (Келгусига бу ҳақда кенгроқ тұхталаман).

ОРГАНИЗМДА ҚАНЧА ЁҒ ТҮПЛАНАДИ?

Холестерин нима эканлиги билан одамлар қизиқишимайды. Шунинг учун түйинган ёғни нон

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

билин ҳам, ширин кулчалар билан ҳам, картошка ва полиз маҳсулотлари билан ҳам ейишади. Сут, музқаймоқ, мол, гүшти, товук гүшти, қовурилган картошка, яхна тузланган гүшт, сосиска – буларнинг барчаси қонга ёғ бўлиб қўшилади. Кейинчалик уларда юрак хуружи ёки инсульт, юрак қон томирлари касалликлари бошланади. Ифлосланган, холестерин билан тўйинилган, қуюқлашган ёғлар тўлган қон томирлари, артериялар атресклероз дейиларди. Корея урушida ҳалок бўлган аскарларни текширганимизда бир нарсанинг гувоҳи бўлдик. Улар ўртача 22 ёшда бўлишига қарамай, 77 фоизида атресклероз бор экан. Шу урушда ҳалок бўлган корейс ва бошқа миллатлар аскарларида атресклероз касаллиги атиги 11 фоизида борлиги аниқланди. Шарқликларнинг овқатларида тўйинган ёғнинг камлилиги барчага аён.

ЎЛИМГА САБАБ БЎЛУВЧИ ЁҒЛАР

АҚШ кўп ёғ истеъмол қиласиган давлатdir. 40 фоиз америкаликлар овқатларида тўйинган ёғлар нормадан кўп. Саноатда қайта ишланган ёғлар, тана ҳароратида парчаланмайди, табиий тўйинган ёғлар эса парчаланади. Қайта ишланган тўйинмаган ёғлар кислородда таркибини йўқотмайди, ёқимли ҳиди бўлади. Бундай ёғларни ишлаб чиқарувчилар узоқ муддатда, турли шароитда ҳам таркиби, ҳиди ўзгармаслигини айтадилар. Бу ёғлар қон таркибига кўшилганда, кўплаб нохушликларни келтириб чиқаради.

ЮРАК БҮЙИЧА ДОКТОР УАЙТНИНГ СҮЗЛАРИ

Америка юрак касаллуклари ассоциацияси президенти, дунёга танилган мутахассис доктор Поль Дадле Уайт юракни асраш бўйича маслаҳат беради. Унинг Америка юрак касаллуклари ассоциацияси учун ёзган мақоласига эътибор қаратмоқчиман.

"Чекланмаган ҳаёт учун умид қилса бўлади, - дейди доктор Уайт. – Мен инсон умрини 5 қисмга бўламан: туғилганидан 20 ёшгача. 20-40 ёшлар ораси, 40-60 ёшлар ораси, 60-80 ёшлар ораси, энг охиргиси қарилик – 80-100 ёш ва ундан юқори. Охирги қисми чўзилиб кетаверади. Ҳаётингизнинг узоқ давом этиши фаннинг касаллуклар устидан қилган ғалабасидир".

"Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган даврда тўғри овқатланиш ва жисмоний машқ қилиш аста-секин одат тусига киради, соғлом ва узоқ умр кўриш учун хусусий дастур бўлиши керак. Айтайлик, йигит 20 ёшда уйланди. 45 ёшда унинг вазни 10-15 килограммга ортади. Бу йилларда қон томирлари деворига холестерин ёпишиб, артерияларни тўсиб қўяди. У бош мияга (инфаркт) ёки юракка (коронар тромбоз) ёки буйракка таъсир қиласи. Шунинг учун 45-50 ёшларда эрнинг вафот этиши кўпроқ. Ўлеми ҳам кутилмаган ҳолда содир бўлади. Унинг организми йиллар давомида бу касалликка тайёрланган бўлади. Айтмоқчиманки, автомобиль ва телевизор инсонга хизмат қилиши лозим, лекин

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш
одамни ўзига! Инсонларнинг нотўғри, носоғлом турмуш тарзи сабаб кўпгина америкаликларнинг 40 ёшгача вафот этмоқда, - дейди доктор Уайт. - Янги ҳаётни бошлиш ҳеч қачон кеч бўлмайди. Инсон ўз танаси, вазни устидан назорат қилиши керак. Жисмоний тарбиянинг барча учун қулай бўлган тури - сайд қилиш. Соғлом одам учун кунига ўртacha 4-4,5 километр масофани яёв босиб ўтиш мақсадга мувофиқ."

(Доктор Уайт велосипед кушандасидир. 80 ёшда бўлишига қарамай ҳали ҳам велосипедда узок масофаларга сайд қиласиди.)

Машқ ва парҳез ўз вақтида бўлиши кишига роҳат бағишлайди.

ДОКТОР КАРРЕЛНИНГ АЖАБТОВУР КАШФИЁТИ

Доктор Алексес Каррел Нью-Йоркдаги Рок - Феллерлар текшириш марказида таниқли биолог, тирик тана абадий ҳаёт бўлишини дунёга исботлаб берди.

У 1912 йилнинг январида буюк тажриба ўтказди. Товуқ эмбриони юрагидан кичик бўлак олиб, уни озуқа ва ошиқчасини олиб ташлашни таъминлади. Бу тажриба 35 йил давом этди. Бу эмбрион тириклигича қолаверди. 1947 йили тажриба тўхтатилганда, товуқ эмбриони юрагининг бир бўлакчаси бир неча товуқ ёшини яшагани аниқланди. Бу инсон ҳаётининг эквивалентига олса, юзлаб йилларга тўғри келади. Уни "абадий ёшли тўқима" деб аташди. Бу эмбрион юрагининг кичкинагина бўлакчаси ҳар 48 соатда икки баро-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

барга кўпайди. Ўсиб чиққани қайта кесиб, олиб ташланди, чунки катта ҳажмини озуқа билан таъминлаш ва тўқималарни тозалаш жуда қийин эди. Биз доктор Каррелнинг 35 йиллик тажрибасини ўрганиб чиқиб, шундай хуносага келдик, агар организмни тўғри озиқлантириб, ортиқча чиқиндилар ўз вақтида олиб ташланса, ҳаёт давом этиши мумкин.

ҚОН – ҲАЁТ ДАРЁСИ

Қон миллиардлаб майда-майда тўқималардан иборат. "Ҳаёт аломати – қонда", деб бежиз айтилмаган.

Қизил қон танаачалари қонда ҳар 28 кунда тўла-тўқис алмашади, бу жараён туғилгандан бошлаб ўлимга қадар давом этади. У биз искеъмол қиласиган егулик натижасида яратилади, ичадиган суюқликдан ҳам истифода этилади. Ўз-ўзидан маълумки, агар қон томир тизими (артерия, вена, капиллярлар) соғлос бўлса, у умрни ошириши мумкин.

ЮРАКНИ СОҒЛОМ АСРАШ – УМР КЎРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Агар рўпарангиздаги гул чиройли, гуллабяшиаб турса, бу унга қилинган парваришнинг яхшилигидан далолат беради.

Мазкур шартлар қўйидагилардан иборат: меъёрдаги вазн; ҳар кунлик машқ; тўғри овқатланиш.

Ортиқча вазн хавфли! У юракни "чарчатади", зеро, Суфурта статистикаси кўрсатишича, семиз

Юракни уй шароитида дөрисиз даволаш
одамлар узоқ яшамайды. Ҳар бир килограмм ортиқча вазн умрни қисқартырады. Семизликнинг оддини олувчи дори семиришнинг ўзидан кўпроқ даражада зааралидир!

Софлом юрак учун иккинчи шарт - кундалик машқлар. Жисмоний машғулотлар фақат меърий оғирликини сақлабгина қолмай, соғлом қон айланишини ҳам таъминлайди, пай ва мушак аъзоларининг тонусини кўтаради, танадаги барча аъзолар вазифасини тулиқ бажаришини яхшилади.

Учинчи шарт энг муҳими ҳисобланади. Соғлом юрак ва тана мусаффо ҳамда соғлом қондан вужудга келади, тоза, соғлом қон эса сиз истеъмол қиласиган озуқа туфайли яратилади. Озуқа, овқат вазнни мувоғиқлаштириш учун муҳим омил ҳисобланиб, у орқали қонни, унинг воситасида эса бутун тана таъминланади. У юракни ўлим даржасига олиб борувчи холестериндан сақлайди, шу билан бирга уни ҳаёт манбай ва абадий навқиронликка айлантиради.

ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ТАШВИШЛАНИНГ

Саломатликнинг яхшилигини кўрсатувчи индикатор тўқималардаги ёғларнинг бир меъерида бўлишидир. Танангизнинг муайян қисмида ёғлар тўпланиб қолиши қоматингиз бузилишига сабаб бўлади. Бу хавфли сигнал, огоҳлантириш демакдир, қатъян ишга киришиш муддати етиб келди.

Ортиқча вазн юрак хуружини келтириб чиқаради, у ёғли овқат кўл еяётганингиздан огоҳ қила-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

ди, натижада артерия ҳолестерин билан тўлади. Ортиқча овқатланиш турли касалликларни келтириб чиқаради.

Ортиқча вазн юрак атрофига, буйрак ва бошқа органларга ёрнинг тўпланганидан хабар берриб, уларнинг иш фаолиятини сусайтиради. Инсоннинг ҳаёти ана шу ҳаётий муҳим органларнинг иш фаолиятига, асосан, юракка боғлиқ. Бу органларнинг ёмон ишланишдан бутун организм жабрланади.

СЕМИЗЛИК – ДУШМАНИНГИЗ

Агар сизда ортиқча вазн бўлса, организмингизда қарилик тўқималарини йигаяпсиз.

Қоматни ёшларникidek ушлаб туриш учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилиши керак. Ортиқча вазни йўқотиш учун жисмоний ҳаракатни купайтириш керак ёки овқат кам истеъмол қилиш керак. Иккови ҳам бирдан қилинса, яна яхши. Ҳар бир инсон йиллар ўтиши билан тўлишади деб ўзингизни юпатманг. Агар сиз шундай ўйласангиз қарилик муддатидан олдин келади ва касалликка чалинасиз.

Ортиқча вазн огоҳлантирмай кириб келади. Кўпинча унинг хавфини сезганингизда кеч бўлади. Курашинг! Сизнинг ҳаётингиз балки шунга боғлиқдир.

БАҚУВВАТ ЮРАКНИ АСРАШ УЧУН КУНДАЛИК МАШҚЛАР

Танбаллик – заарли одат. Кўп вақт ўтириш саломатлик учун заарлидир. Сиз ҳар куни

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш
бир - икки соат мобайнида фаол жисмоний машқлар билан машғул бўлишингиз керак.

Энг оддийси – тез юриш, буни, алоҳида пойгаларда амалга оширган маъқул. Торга чиқиш эса юрак учун энг яхши машқ.

Мен тоғларга чиқишни жуда яхши кўраман. Холливуд (Калифорния)даги уйим ёнида машҳур Гриффит Парк жойлашган. Унда Холливуднинг 600 метрлик тоги қад кўтартгап. Мен шу тоққа чиқаман, пастга тушадиган барча йўлни эса чопиб ўтаман.

Мен ҳар куни югураман ва сайд қиласман. Велосипедим ҳам бор, мен унда жуда кўп километрни босиб ўтаман. Сувда сузаман, тенис ҳам ўйнайман. Ҳафтада уч марта гантеллар ва штанга билан машқ қиласман.

Жисмоний машқлар инсоннинг атеросклероздан халос бўлиши учун энг муҳим омил бўлиб, тўйинган кислородни юрак ва танага ҳайдашда ижобий таъсир кўрсатади (атеросклероз – юрак ва қон томирлари склерози, артериосклерознинг энг кўп учрайдиган тури).

ПИЁДА ЮРИШ ҚУВОНЧИ

Пиёда юриш вақтида бошни баланд тулинг, кўкракни кўтариб, қоринни тортинг. Тана сизнинг қадам ташлашингизга мувофиқ чайқалиб туриши керак. Юрданда оёқ кафтларингиз ўртага тушсин, чуқур нафас олинг, қўллар елкалардан айро ҳолда эркин ҳаракат қилмоғи керак.

Пиёда юриш вақтида кайфиятингиз юқори бўлсин. Агар сизни атрофдаги табиат қизиқтири-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

маса, руҳий дунё түғрисида ўйланг. Юрганингизда жисмоний юкламани руҳий-маънавий ҳаёт билан алмаштириинг. Шу тариқа сиз барча қийинчилик ва ташвишлардан қутиласиз.

Пиёда юриш сизни саломатлик билан "тўлдириб", фикрни тиниқлаштиради, уни ижобий фикрлар билан таъминлайди. Мен ҳар бир қадамда: "Саломатлик... Куч... Ёшлик ... Қувват ..." деб такрорлайман.

Бир йилда бир марта ўзингиз учун пиёда юриш саёҳатини уюштириинг, ҳар куни 20-25 километр йўл юринг. Шу тарзда сиз юрагингиз соғлом бўлишини таъминлайсиз.

ҲАЁТИНГИЗ УЧУН ЮГУРИНГ

Мен ҳар куни югураман, чунки югуриш мени юрак хуружидан халос этади. Бунда енгил, бир текис одим ташланиб, бош юқорига кўтарилади, елкалар ҳам, кўллар ҳам эркин ҳолда бўлади. Бу услуг дунё бўйича жисмоний машқларнинг барча турларида мавжуд.

Мен 60 йил мобайнида ҳар куни югуриб турдим. Саҳарда ёки кечки пайт югуриш маъқулроқ. Дарвоқе, одам ўзига қайси вақт қулай бўлса, ана шу вақтни танлаши керак.

Кўплаб шаҳарларда югуришни севувчиларнинг маҳсус клублари бор. Хоҳлаган одам клубга аъзо бўлиб, югуриш билан шуғулланса бўлади. Янги Зеландияда, Австралия, Англия, Қўшма Штатларда эркаклар, аёллар мунтазам шуғулланадилар. Кишининг ёшига, саломатлигига мос келадиган кундалик югуриш унинг

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

чиdamлилигини оширади, умумий ҳолатини яхшилайди, касалликларга қаршилик күрсатиш қувватини оширади. Спорт билан шуғулланиш юракни бақувват қилиб, умрни узайтиради.

Спорт билан шуғулланишни бошлашдан олдин албатта шифокор билан маслаҳатлашиш зарурлигини унутманг.

ЮГУРИШ МАШҚЛАРИНИ ҚАНДАЙ БОШЛАШ КЕРАК?

Машқ қилишда асосий қоида — уни меъёрдан оширмаслик. Сиз қандай пойафзалда югуришингизнинг аҳамияти йўқ, лекин таги юмшоқ, қалинроқ резинали пойафзал бўлгани маъқул.

Энг асосийси юрганингизда, оёқларингиз таги қабариб кетмасин. Қаттиқ чармли пойафзал оёқни қабартириши мумкин. Пойафзал оёқларингизга катта ҳам бўлмасин, жуда сиқиб ҳам юбормасин. Югуриш вақтида қон айланиши меъёрдагидан тез бўлганлиги учун оёқлар шишиб кетади.

Юрган чоғингизда пайпокларга ҳам аҳамият беринг. Уларнинг йиртифи, тутунлари йўқлигига безътибор бўлманг, юрганда оёқларнинг қабаришига, шиш пайдо бўлишига ана шулар сабабчи. Югуришни ўтлоқ устида бошланг, чунки вазни оғир одамлар учун оёқни кўтариб босиша юмшоқ ер маъқул, танага унчалик оғирлик тушмайди. Ўтлоқ қилинган машқ мускулларга, бўғинларга оғир машқларга тез мослашишга ёрдам беради! Бундан ташқари, оғриқларга чидаш машқни давом эттириш, уни канда қилмаслик учун етарли даражада ирода ҳам керак.

ҚОННИНГ АЙЛАНИШИ УЧУН 5 ТА МАШҚ

1-машқ. Шамол тегирмони.

(А) Түғри туриңг, оёқларингиз жуфт ҳолда бўлсин, кўкрак қафасингизни кенгроқ ушлаб, қорнингизни тортинг, бошингизни кўтариб, қўлларингизни туширган ҳолда эркин туриңг. Сўнгра қўлларингизни олдинга, тепага ва орқага кўтариб, тезликни секин ошира боринг, охирида катта тезликка ўting. Биринчи кунлари 10 марта, кейин аста-секин ошира бориб, 50 мартагача етказинг.

(Б) 1-Машқдаги ҳолатда туриңг.

Қўлларни қарама-қарши томонга айлантириңг.

2-машқ. Циркуляция - қурувчи.

Бу машқ инсон совқотганида, тананинг юқори қисми, қўлларда қон айланшини яхшилаш учун бажарилади:

1-Машқдаги ҳолат. Қўллар елка кенглигига ён тарафга чўзилади. Ўнг қўл чап елкага, чап қўл ўнг елкага урилади. Қўллар бир-бирлари билан кесишиб туради, бошланишида ўнг қўл чап қўл устига, кейин чап қўл ўнг қўл устига кўйилади. Машқ тез бажарилиши керак, қўл елкага урилгандан кейин олдинги ҳолатга қайтади. Биринчи кунлари машқни 10 мартагача, кейинчалик 50 мартагача етказинг.

3 - Mashq. Оёқни қимирлатиш.

Тўғри туриб, оёқларингизни елка кенглигига қўйинг, қўлларингизни тушириңг. Ўнг оёғингизни полдан 20 см. юқорига кўтаринг. Сўнгра 10 - 15 см. масофада олдинга ва орқага тез-тез ҳаракатлантириңг. Оёғингиз тўла тебраниши керак.

Юракни уй шароитида дөрисиз даволаш

Сўнгра бошқа оёғингиз билан шуларни тақрорланг. Машқнинг бошланишида аста-секин 10 тадан бир неча кун давомида ҳар қайси оёқ учун 50 тага етказасиз. Бу машқни жуда тез бажаринг, бўкса, тизза ва оёқларингизда қон айланиши яхшиланишига ишонч ҳосил қиласиз.

4-Машқ. Қўл ва бармоқларда қон айланишини яхшилаш.

1-машқдагидек тўғри туриング. Қўлларингизни олдинга кўтариб, кўкрагингизни керинг, қўлингиз, бармоқларингизни бўш қўйинг, тез-тез 15 марта силкитинг. Сўнгра бармоқларингизни 15 марта мушт қилиб, ёзинг.

5-машқ. Бошда қон айланишини яхшилаш.

Тўғри туриинг, оёқлар елка кенглигида бўлсин, иложи борича олдинга эгилинг, қўлларни эркин ҳолда пастга тушириング. Шундай ҳолатда бошингизни олдинга, орқага, чапга, ўнгга буринг. Биринчи кунлари бошни ўргатиш учун бу машқни кам бажаринг.

СОҒЛОМ ЮРАК СИРИ – ҚОННИНГ ЯХШИ АЙЛАНИШИ

Қон айланиш системаси муайян қисмининг иш фаолияти сусайса, миллиардлаб тўқималар кислород, озуқа билан таъминланмайди. Қоннинг тўқималарга етиб бормаслиги унинг озуқасиз қолганидан далолат беради. Бундай ҳолатда тўқималар автоматик тарзда бузила бошлайди. Бу юракда, бош мия, ўпка, буйрак, тери ва тананинг бошқа аъзоларида сезилади.

БИР ЖОЙДА КҮП ЎТИРИШ ХАВФЛИ

Организмдаги ортиқча чиқиндиларнинг катта қисми буйраклар орқали, углероднинг икки оқсиди ўпка орқали ажralиб чиқади. Ўпкада қон кислород билан тўйиниб, тўқ қизил рангга киради. Кейин юракка қайтиб, тана бўйлаб сўрилади. Бу жараён кунига минг марталаб такрорланади. Бир жойда узоқ ўтириш мумкин эмаслигининг сабаби шуки, ҳаракатланиш тўхтаганда қон айланиши секинлашади ва бир жойда кўпроқ туриб қолади. Бир жойда узоқ ўтирган кишиларнинг қон томирларида қон қуюқлашиб, тромбоз ҳосил бўлади. Агар сиз ўтириб ишлайдиган бўлсангиз, ҳар соатда туриб шахдам ҳаракатланинг. Сиз автомобилда узоққа кетаётган бўлсангиз, аҳён-аҳёнда машинани тўхтатиб, бир неча машқларни бажаринг. Машқ қилганингизда организмдан заҳарни чиқариб ташлаб, тўқималарда қон яхши айланиши натижасида уларни яхши озиқлантирасиз.

ҚАНДАЙ ЎТИРИШ КЕРАК?

Тўғри ўтиринг! Оёқларни чалкаштириб ўтириш салбий ҳолат. Оёқларингизни чалкаштириб ўтирманг, бу тизза остидаги артерияда қон тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Ўтирганингизда белингиз тўғри бўлсин, оёқларингиз полга тўлиқ тегиб турсин. Осилиб турган оёқлардаги томирда қон босими кўп бўлади.

Катта ёшдаги бўйи паст одамлар оёқлари учун ўриндиқлардан фойдалансалар, мақсадга муво-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

фик. Креслоларнинг энг яхшиси — тебранма кресло. Унда яхши ўрнашиб олиб, дам олишингиз ёки турли машқларни бажаришингиз мумкин.

ҚҮЛ ВА ОЁҚ БАРМОҚЛАРИДАГИ ҚОН ЮРИШИНИ ҚАНДАЙ ЯХШИЛАШ МУМКИН?

Юрак қонни оёқ ва қўлларга етказиб боради. Кўпгина кишиларда қон айланиши яхши бўлмайди. Шунинг учун уларнинг қўл-оёқлари совуқ, баъзан бармоқ учлари оқарган ҳолга бўлади.

Қон айланишининг гидротерапевтик усулини тавсия этаман. У худди совуқ-иссиқ усулга ўхшайди.

Иккита тогора олиб, бирини иссиқ, иккинчи сини совуқ сув билан тўлдиринг ва бир неча бўлак муз солинг.

Иссиқ сувли тогорага оёқ қўйиб тик туринг, қўл кафтларини эса музли сувга солинг. Орадан икки дақиқа ўтгач, ушбу муолажани такрорланг, аммо энди оёқларни совуқ сувга солинг, қўлларни эса иссиқ сувга.

Мазкур муолажани беш марта такрорланг, сўнг дағал сочиқ олиб, оёқ ва қўлларни токи улар қизиб кеттунича ишқалаб, арting.

ТАМАКИ, АЛКОГОЛЬ, КОФЕ, ЧОЙ, ТУЗ ВА ТЎЙИНГАН ЁГЛАР БИЛАН АРТЕРИЯНГИЗНИ ТЎЛДИРМАНГ

Томирларда кислородга тўйинган қон эркин оқиши керак, қон ифлосланганда томирлар эгилувчан, майин бўлмайди. Тамаки тутунидаги смола, заарли кимёвий элементлар артерия деворларига ёпишиб қолади. Томирларга нафақат смола

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

ла тиқилади. Тамаки, кофе, аччиқ чой, алкоголь юракни қаттиқ зўриқтирувчи омиллар. Булар юракка ортиқча юк бўлади. Тамаки – юракнинг душман.

Доктор Лестер М. Морисон шундай деган эди: "Тамаки – заҳар! Никотин тамакидаги асосий заҳарлардан бири. У инсоннинг миясига, юрагига ва бошқа асосий органларига таъсир қиласи. Тамаки таркибида никотиндан ташқари заҳарловчи газ ва бошқа заарли моддалар мавжуд. Никотин қон томирларига ўта таъсирчан омиллардан ҳисобланади. Никотин кучли наркотик бўлиб, торайиб қолган қон томирларини янада торайтиради. Чекувчиларда хавф-хатар икки баробар кўп. Унинг қони тамаки заҳари билан заҳарланса, қон томирлари торайиб, қоннинг айланишини сусайтиради. Тамаки тутунидаги учар газдан организм ҳимояяга эга эмас. Учар газдан заҳарланган кишиларнинг ўзини-ўзи ўлдирмоқчи бўлганини эшитгандирсиз. Дёготъ бу – заҳар. У ўпка раки, оғиз бўшлиғи ва нафас олиш йўллари касалликларининг асосий сабабчиси. Тамакини доимий истеъмол қилган одам 25 йилдан кейин нима бўлади. Доимий чекувччи одам турли касалликлар натижасида бевақт вафот этиши тайин.

ЧЕКИШ ВА ЎПКА ЭМФИЗЕМАСИ

Чекиш натижасида келиб чиқадиган касаллик – ўпка эмфиземаси бўлиб, бугунги кунда кўп тарқалган. Маълумотларга кўра, вояга етмаган америкаликларнинг ярми эмфиземага чалинган.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Бу касаллик шундан иборатки, дёготь, никотин ва бошқа тамаки заҳарлари ўпкадаги митти ҳаво қопчаларга бориб, уларнинг деворларини юпқалаштиради ва бузиб ташлайди. Шу сабабли қон заҳарли газни чиқазиб, кислород ололмай қолади. У кислород етишмаслигидан ҳалок бўлади.

Эмфизема бирданига ўлдирмайди. У чекувчи га сездирмаган ҳолда кириб олади. Бошланишида асосан эрталаб қисқа-қисқа йўтамлар бошланади. Кейинчалик йўтал уни кечаю-кундуз қийин ахволга солади. Секин, лекин ишончли равишда ўпка емирила бошлайди. Касалнинг ахволи кундан-кун ёмонлашади, оддий ҳаводан нафас ололмайди. Кислород тўлдирилган қопчадан фойдаланилади.

Нафас олиш – бизнинг ҳаётимиз. Маълумки, сувсиз бир неча кун, овқатсиз бир ҳафта яшашимиз мумкин, лекин нафас олмай бир дақиқа ҳам яшай олмаймиз. Ҳаво ҳаётимизнинг асосий қисми, кислород табиатнинг буюк тозаловчи кучи.

Яшаш учун юракка доимо кислород керак. Тамаки чекиши сизни синдиради. Организмнинг кислород истеъмолига қаршилик кўрсатувчи ҳар қандай касаллик юрак касаллигига олиб келади, у идан ўлқага ва бутун организмга ўтади.

ЧЕКИШ ОРГАНИЗМДАГИ С ВИТАМИНИНИЙ ЙЎҚОТАДИ

С витамини мустаҳкам соғлиқни вужудга келтирувчи зинг асосий табиий унсурdir. Бу С витамини лавша (цинга, милк касаллиги) нинг капиллярлардан қон кетишининг олдини ола-

Юракни уй шароитида дөрисиз даволаш

ди. Бу юпқа қон томирлари бевосита тана түқималарини қон билан таъминлайди. Бу юрак ёки мияда рўй берса, у ҳолда томирларда туриб қолиши мумкин. Оёқ бўғинларида бундай тикинлар қорасон (гангрена)га сабаб бўлади, охир-оқибат уни ампутапия, яъни кесиб ташлашга тўғри келади.

Тамаки С витамини таъсирини кесади, ундағи ҳаётий химояни йўққа чиқаради. Канадалик мутахассис доктор Маккормик фикрича, битта сигаретани чекиш битта апельсиндаги мавжуд барча витаминаларни йўқотиш билан баробар. Бир кунда бир қути сигарета чекадиган киши камида 20 та апельсин есагина организминг С витаминига бўлган меъёрга келтира олар экан!

Шунингдек ҳавонинг ифлосланиши ва озуқаларнинг кимёвий консерванлар билан тўлиботиши ҳам витамин захирасини камайтириб гоборади.

ШУ БУГУНДАН БОШЛАБ ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ

Кўпгина чекувчиларда зарарли одат шакланниб қолган. Улар: "Мен чекишни мутлако ташлай олмайман", - дейишади. "Бекор гап! ~ дея эътиroz билдираман мен.

– Сизнинг танангизни ким бошқаради: тамакими ёки ўзингизми?"

Танага ақл бош бўлади. Инсон ақлга буйсуниб, унинг буйруқларини адо этмоғи лозим.

Албатта, тамаки чекишни ташлаётгандар бир

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш
неча кун қийналишади. Организм никотин до-
пингини талаб қиласы. Бу мاشаққатларни бар-
тараф этиш учун инсонда ирода бор.

ҚАҲВА ВА ЧОЙ – НАРКОТИКЛАР

Қаҳва юрак учун жуда кучли салбий таъсир қилувчи стимулятор. Унда юракнинг тез ури-
шига мажбур қиласынан, керагидан ортиқ бе-
зовта қиласынан наркотик – кофеин бор. Ко-
феда смола ва қон томирлари деворларига ёпи-
шиб қолувчи заҳарли моддалар бор. Ҳатто ко-
феини олинган кофеларда ҳам улар мавжуд.

Чой ҳақида ҳам шундай фикрни айтса бўлади.
Унда танин, ватинин ва бошқа заҳарли моддалар
бор. Қонингизни чой билан заҳарламанг.

АЛКОГОЛЬ – ОРГАНИЗМ ДУШМАНИ

Алкоголь организмни рағбатлантирувчи ҳисоб-
ланса ҳам аслида у инсонни абгор қилувчи ҳисоб-
ланади. У капиллярларга таъсир ўтказиб, кишига
вақтинчалик сархушлик бағишлийди. Аслида ал-
коголь организмни шунчалик бўшашибади, на-
тижада киши ўз хатти-ҳаракати устидан на-
зоратини йўқотади.

Алкоголь бош мия билан асаб системасига ёмон
таъсир қиласы. У асаб учун муҳим бўлган С ва В
витаминаларини куйдириб юборади. Бош мияга қон
қўйилиши шол (фалаж)ликни келтириб чиқара-
ди. Алкоголь таъсирида киши овозини кўтариб
гапиради, вақти-бевақт хушчақчақлик, мақтан-
чоқлик – булар бариси бош миянинг муайян қис-
мида шол бошланиши аломати. Юрак касали бор

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

кишилар учун алкоголь жуда хавфли, чунки у бош мия, асаб тизимини оғриқни ҳис қилишдан вақтингча түхтатади. Юрак хуружи огоҳлантирувчи сигнал бермай, фожиага олиб келиши мумкин.

КҮП ОВҚАТЛАНИШ – СОҒЛИҚҚА ЗИЁН

Юрак соғлом бўлиши учун қон таркибида барча кимёвий таркиб етарли бўлиши керак. Инсон танасидаги 9 литр қонда соғлом, бақувват юрак бўлиши, 60 хил озуқавий моддалар бўлиши керак. Инсоният кундалик овқатга қандай нарсаларни қўшишни ўйламаган, чунки у ейдиган овқатни табиатнинг ўзи етиштириб берган. Кейинчалик у тозаланган, кимёвий ишлов берилган овқатни истеъмол қилган, бу билан у даволаб бўлмайдиган даражада саломатликка путур етказган. Лекин кейин у табиий овқатларни истеъмол қила бошлади. Кундалик овқат таркибидан организмга зарар етказувчи озуқаларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига фойдалисини қўшинг.

ЕЙИШДАН ЎЗИНГИЗНИ ТИЯДИГАН ОВҚАТЛАР

Рафинадли қанд, таркибида шу қанд бўлган мармеладлар, музқаймоқлар, шарбатлар, конфетлар, сақичлар, алкогольсиз ичимликлар, торталар, кондитер маҳсулотлари, пудинглар, шакар аралашган мева шарбатлари, сиропдан тайёрланган мева консервалари, горчица, уксус, аччиқ, нордон зираворлар, тузланган маҳсулотлар, картошкадан тайёрланган чипси, шўрданак, оқланган гуруч ва тозаланган сули қовурмалар.

Юракни уй шароитида дөрисиз даволаш

Тўйинган ёвлар, узоқ муддат сақлаш учун кимёвий ишлов берилган ёвлар (қон томирларига тиқиладиган юракнинг душманлари).

Таркибида пахта ёғи бор маҳсулотлар (агар маҳсус идишда бўлса, қандай ёғ эканлигини аниқланг).

Маргаринлар (тўйинган, ишлов берилган ёвлар).

Кимёвий ишлов берилган ерёнгоқ ёғи, натурал кофе, таркибидан кофеин олинган кофе, чой ва спиртли ичимликлар. Янги сўйилган чўчқа гўшти ва ундан тайёрланган овқатлар. Ҳар хил дудланган балиқлар.

Дудланган гўшт – ветчина, колбаса.

Ланч тайёрлаш учун гўшtlар – сосискалар, тузланган ҳамда таркибида нитрат ва нейтран натрий бўлган бошқа турдаги гўшtlар.

Таркибида туз, шакар бўлган маҳсулотлар, иштаҳани очувчи турли аралашмалар билан ишлов берилган жўжа гўшти ва ундан тайёрланган овқатлар, консерваланган шўрвалар (ёслини ўқинг, қанд, крахмал, оқ буғдой аралашганига эътибор беринг) оқ ундан тайёрланган маҳсулотлар ва пироглар, пирожнийлар, лапша, вафли, макаронлар, спагеттилар, пицца, соуслар ва зираворлар.

Ўзингизни ўзингиз даволаманг. Шифокор маслаҳатисиз аспирин ва таркибида аспирин бўлган дориларни, ухлатадиган, оғриқни, қолдирадиган дориларни, бромидларни ичманг. Шифокор маслаҳатига амал қилинг.

ЁМГИР СУВИ ВА МЕВАЛАР ШАРБАТИ ТАБИЙ ДИСТИЛЛАНГАН СУВ

Аллоҳ, ерни яратгандан бери ўзга сайёрадан унга бир томчи сув қўшилгани йўқ. Табиатда сув тинимсиз айланиб турибди. Сувнинг табиатда айланиши – буюк мўъжиза. Шунинг ҳисобига ердаги сув доимо дистилланиб, тозаланиб туради. Қуёш сувни буғлантиради, буғ булутларга айланади. Сўнгра ёмғир бўлиб ёғади ёки шудринг бўлиб тушади.

Бу ноорганик моддалардан холи бўлган мутлақо тоза сув.

Бир неча йил бурун дўстим Дуглас Фербенкс билан саёҳатда бўлдик. Саёҳат давомида бир оролда бўлдик. Орол Тинч океан билан ўралган, ичимлик суви учун улар фақат ёмғир сувидан фойдаланишар экан. У ерда соғлом, чиройли, бақувват калинизеецлар истиқомат қилишади. Оролда сувни сақлаш учун шароит йўқ эди. Шунинг учун улар овқат тайёрлашда ёмғир суви ёки кокос ёнғори суюқлигидан фойдаланишган. Мен бундай гўзал аёллар ва эркакларни аввал ҳеч қачон кўрмаган эдим. Бизнинг орамизда шифокорлар бор эди. Улар кексаларни кўриқдан ўтказдилар. Улардан бири бу кексалар жуда соғлом эканлигини айтди. Оролликлар неча ёшда эканликларини ҳаттоқи билмайдилар, чунки улар онгида бундай тушунчанинг ўзи йўқ. Улуғ ёшдаги кишилар ёшлар билан тенгма-тeng миллий ўйинларни ўйнашарди. Улар инсониятнинг бир умр дистилланган сув ичиб келаётган ажойиб

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

вакиллари эди. Агар ёмғир ёки қор сувини мева ёки полиз маҳсулотларининг янги сиқиған сувини ичсангиз, уларни табиатнинг ўзи тозалаганлигини эсланг. Ёмғир ёки қор сувлари 100% тоза ёки бунда ҳеч қандай минерал моддалар йўқ. Янги мева ва полиз маҳсулотлари суви, табиий дистилланган сув бўлиб, унда табиий қанд, органик модда ва витаминлар мавжуд.

ГЎШТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Мол, қўй, бузоқ гўштлари табиатан ёғ ва холестеринга бой. Шунинг учун ҳафтасига 3-4 мартадан ортиқ гўшт ейишни тавсия қилмайман.

Гўштнинг нави унинг ёғига қараб белгиланади. ёғлироқ бўлса, нархи қимматроқ бўлади. Шунинг учун арzonроқ гўштдан харид қилинг. Овқат тайёрлашдан олдин гўштнинг ёғини олиб ташланг. Қовурилган овқат ҳазм қилиш тизимини бузиши ва юрак хуружига олиб келиши мумкин.

Ёғда қовурилаёттан гўшт – бутун организмнинг душмани, гўштни кўкатлар, саримсоқлиёз, томат, қўзиқорин ва ҳоказолар билан тайёрлаш мумкин. Гўштта зирава учун турли сабзавотлардан (салат, петрушка, селдер, сабзи, турп, ширин калампир, бодринг) фойдаланса бўлади. Балиқ жуда ҳам кам ёғли протеин, ундан ўзингиз мазали овқат тайёрланг. Унинг саломатликка зарари йўқ.

Парранда гўштларидан курка ва товуқнинг жўжалари маъқул. Уларда ёғ, холестерин кам. Ўрдак, фоз гўштларини емаган маъқул. Улар таркибида ёғ жуда кўп. Фоз териси ва органларида ёғ кўп бўлганлиги сабабли овқатга ишлатманг.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Агар тухумни яхши кўрсангиз, ҳафтасига 3-4 донасини истеъмол қилиш билан чекланинг. Тухум сарифида холестеринли ёғ аралашмаси бор. Сут ва сут маҳсулотларини, ҳатто кам ёғли ёки ёғсизлантирилган сутдан тайёрланган бўлса ҳам, истеъмол қилманг. Пишлоқ ва творог тайёрлашда хар хил кимёвий моддалар ишлатилади. Пишлоқда ёғ микдори жуда кўплиги сабабли ундан камроқ истеъмол қилинг.

ЁҒЛАРНИ ҚАНДАЙ ТАНЛАШ КЕРАК?

Ёғ ҳам қувват манбаи ҳисобланади. У карбогидратлар ёки протеинларга нисбатан икки карра кўп қувваттга эга. Организм учун маълум миқдорда ёғ керак. Аммо у тўйинмаган ёғ ҳисобида бўлмоғи лозим, тўйинган ёғлар эса жуда кам миқдорда бўлиши шарт.

Айнан тўйинган ёғлар организмни холестерин билан юклаб ташлайди. Холестерин, юқорида айтилганидек, ёғли бошлини ҳисобланади, уни жигарда ишлаб чиқаради, организмнинг меъёрий ишлаши учун жуда зарур.

ЁҒЛАРНИНГ ТАНАДАГИ ВАЗИФАСИ

Асаблар, мускуллар, ички органларнинг барчasi ёғ билан меъёрий ҳимояланиши лозим. Агар қуйругимиизда ёғ бўлмаса, биз мускул ёки суюкка таяниб ўтиромасдик. Озишни хоҳловчилар рациондан ёғли компонентларни олиб ташласа, семиришни хоҳловчилар ёғли компонентларни кўпайтирса, мақсадга мувофиқ бўларди. Озишни хоҳловчилар ёғни секинлик билан камайти-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш
ришлари керак, чунки ёф организмда кимёвий
тенглиқда мұхим роль үйнайды.

Ёф организмда иссиқлик ва қувват манбаи бўлиб,
ички органларни совуқ ва бошқа емирилиш ҳол-
ларидан сақладайди. Масалан, буйрак тўйинган ёф
 билан, тўқималар тўйинмаган ёф кислоталари
 билан таъминланади. Усиз тери дағал ва қуруқ
 бўлиб қолади, ёғнинг организмдаги энг мұхим
 биологик хосияти унинг таркибидағи А, Д, Е, ва
 К витаминлариdir. Шундай қилиб, организмнинг
 соғ бўлиши учун овқатга маълум миқдорда тўйин-
маган ёф қўшишни унутманг.

САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ОЗУҚАЛАР

*Овқатланиш бевосита ўсиш, ривожланиш, қайфи-
ятга, шунингдек, шахснинг жисмоний ва ақлий ҳола-
тига таъсир этади. Саломатлик бошқа омилларга нис-
батан овқатланишга жуда кўп жиҳатдан боғлиқ.*

Докпюор Себрея

Маълумки, озукаларнинг бешдан уч қисмини
мева ва сабзавотлар ташкил этади. Мева-сабза-
вотлар организмнинг фақат витамин ҳамда орга-
ник моддалар билан таъминламай, шу билан бирга,
кўплаб суюқлик ҳам берадики, бу организм ўз
вазифасини ижро этиши учун жуда зарурдир.

Сабзавотларда ёф ҳам, холестерин ҳам бўлмай-
ди. Ҳом салатлар ва гўштли гарнирлар организ-
мни витаминлар ҳамда минераллар билан таъ-
минлайди. Агар сабзавотлар пиширилса, унинг
айрим витамин ва минераллари йўқолади.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Янги тайёрланган сабзавот суви турли витамин ва минерал моддаларнинг манбай ҳисобланади. Одатда, сабзи ва лавлаги сувини петрушка суви билан бирга ичиш лозим, ҳар қандай сабзавот шарбатини, гарчи у жуда мазали бўлса-да, бошқа кўкат билан аралаштиримоқ керак.

КАЛЬЦИЙНИНГ ОРГАНИЗМГА ЗАРУРЛИГИ

Кўпгина одамлар кальций деганда тиш ва суюкларни тушунишади. Ҳақиқатан ҳам бу минералнинг етишмаслиги тиш билан суюкларнинг жиддий камчилигига олиб келади. Кальций асабларга ҳам керак. Инсондада кальций етишмаганлиги боис уларнинг оёқлари увишиб қолади. Одам организми фаолиятида кальций муҳим роль ўйнайди. У қонни қуюқлаштиради. Агар қонда кальций бўлмаса, бармогингизни нина билан жароҳатлаганингизда бутун қонингиз оқиб кетган бўларди. Юракнинг бақувват мускуллари бўлишига қарамай, яхши ишлаш учун, қонда кальций меъёрида бўлиши керак.

ТУЗНИНГ ҚОН БОСИМИГА ТАЪСИРИ

Қон босими нима сабабдан ошади? Тиббиётда бу борада аниқ сабаблар кўп. Зўриқишилар, асабларнинг таъсиrlаниши, заҳарловчи моддалар (никотин, бензин бурлари, овқатта қўшиладиган қўшимчалар ва индустрialiлаш)...

Бироқ қон босими ошишининг биринчи сабабчиси – ош тузи. Айтинг-чи, туз вазни меъоридан ортиқроқ бўлган миллионлаб одамларга

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш
қандай таъсир кўрсатади? Бу жуда қизиқ савол.
Маълумки, кўпинча вазни оғир одамларнинг қон
босими юқори бўлади. Қон босими ошиб, семи-
риб кетган одамлар ва улар истеъмол қиласиган
туз ўртасида боғланиш борми? Тиббиёт вакил-
лари "ҳа" деб жавоб бершяпти.

ТУЗ ИНСОНГА ҲЕЧ НАРСА БЕРМАЙДИ

Кўпинча, тузни ҳаётнинг асоси дейишади.
Лекин туз ҳеч бир асосга эга эмас. Дунёда
бутун бир элатлар аввал ҳам тузни истеъмол
қилишмаган, ҳозир ҳам ундан фойдаланишга
эҳтиёж сезишмайди. Агар туз ҳаёт асоси бўлга-
нида эди, улар аллақачон қирилиб кетган бўлар-
дилар. Ваҳоланки, улар бошқаларга қараганда
соғломлар. Бу ҳолат тузнинг унчалик керакли
озуқа эмаслигини исботлайди.

ЎЛИМ ДАРАЖАСИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ТУЗДАН ЎЗИНГИЗНИ ТИЙИНГ

Кимки аввал туз истеъмол қилмаган бўлса,
овқатга солиб ейишининг ҳожати йўқ. Тузнинг
таъми одат тусига киради. Агарда қисқа муд-
датга бўлса ҳам овқатга туз солмай еса, инсон
шунга ўрганади. Бир неча ҳафта давомида туз
истеъмол қилишни тўхтатганидан кейин овқат-
га туз қўшилмаганлиги сезилмади. Менинг туз
истеъмол қилишдан воз кечган шогирдларим
тузли овқат емаётганлари ҳақида ёзишади.
Улардан қайси бири тузли овқат еса, чанқоқлик
сезади. Юрак бўйича мутахассислар тузсиз ов-
қат ейишини маъқуллайдилар. Тузнинг ўрнини бо-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

сувчи, таркибида натрий бўлмаган кўп нарсадан фойдаланиши мукин. Менинг уйимда қутилган денгиз ўтлари ҳамда сабзавот аралашмалири, шунингдек, турли ўтлардан фойдаланамиз.

ОВҚАТНИ КЎП ТАНОВВУЛ ҚИЛМАНГ

Сония сайин, дақиқа сайин, соат сайин, кун сайин юрагингиз ҳаётингизни сақлаш учун ишлаб туради. Сиз дам олаётганингизда ҳам, ухлаётганингизда ҳам юрагингиз ишлайверади. Юрак энг оғир ишни овқатланганингиздан кейин бошлайди. Овқат кўп ейилган бўлса, юрак шунча қонни овқат ҳазм қилиш тракти орқали ўтказиб туриши керак. Кўп ейилган овқат бошқа органларга нисбатан юракка кўпроқ оғирлик келтиради. Ўта тўйиб овқат ейиш – жуда хавфли, у жиддий салбий натижага олиб келиши мумкин.

ОЧЛИК – ЮРАК УЧУН ДАМ ОЛИШ

Агар сиз юрагингизни соғлом асрамоқчи бўлсангиз, кам овқат еманг ёки кун бўйи оч юринг ва шунга одатланинг. Бир ёки икки кун давомида овқат емасангиз, юрагингиз қандай дам олишини ўзингиз сезасиз. Оч юрган кунларингизда дистилланган совуқ сув ичинг, жуда овқат егингиз келса, фойдали гиёҳлардан дамлаб, озроқ асал аралаштириб, ичинг. Очлик пайтида шарбат истеъмол қилманг.

КИМ ОЗ ЕСА, У КҮП ЯШАЙДИ

Илмий тажрибалар шуны күрсатдикі, ким оз еса, у узоқ яшайды, узоқ вақт соғлом бўлиб, куч-қувватга тўлиб юради. Мен 100 ёшдан ошганлар билан сұхбатлашганимда шу ёшда ҳам улар ҳаралатчан ва серғайратлилигини йўқотишмаган, ўз вақтида, меъёрида овқат еб, яшаб келаётганларини айтишди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, овқатни секин, шошилмасдан чайнаб енг. Кайфиятингиз бўлмаса, овқатланманг. Чайналмаган овқат ошқозонга кўп нохушликлар олиб келади, юракни зўриқтиради. У юракда газ босимини вужудга келтириб, натижада юрак хуружига сабаб бўлади. Шошилмай овқатланишга вақтингиз етмаса, овқат емай қўя қолинг. Узоқ умр кўриб, ўзингизни навқирон ҳис қилишни, соғлом юракка эга бўлишни истасангиз, овқат ейишдаги ёмон одатларни тарк этиб, фойдали одатларни ўрганинг.

ОЧЛИКДАН ҚЎРҚМАНГ!

Инсон 2 - 8 кун оч юрганида чарчаб, организмида хавфли ўзгаришлар бўлиши мумкин деган фикрга боради. Бу ҳақиқаттага мутлақо тўғри келмайди. Мен 30 кун давомида оч юрдим, лекин олдинги вақтдагидан кучлироқ эканлигимни ҳис қилдим. Шифокорлар назоратисиз узоқ вақт оч юришни маслаҳат бермайман. Очлик организмга ҳаётий куч-қувват бағишлийди, овқатни ҳазм қилиш тизими ва юракни мустаҳкамлайди. Қисқа муддаттага оч юринг, қандай натижа беришини кузатинг. Менинг очлик дастурим шундай: ҳафта-

Юракни уй шароитида дөрсиз даволаш

нинг душанба куни кечга қадар одатдагидек юраман, кечқурундан бошлаб сешанба куни тушгача ҳеч нима емайман. Шу муддат мобайнида фақат дистилланган сув ичаман. Шу орқали овқат ҳазм қилиш тизимларига тўла дам бераман. Бу овқат ҳазми тизими ва юракни катта юқдан халос қиласди.

Мен йилига бир неча марта ўзимнинг "супер очлигим" даврини ўтказаман. Бир ҳафта давомида фақат дистилланган сув ичаман. Шарбат ичмайман ва мевалар емайман. Бу – тўлиқ очлик демакдир. Очлик туфайли саломатлигимнинг яхшилигидан қувончим чексиз.

ҚАТТИҚ УЙҚУ – МУСТАҲКАМ ЮРАК

Пулга каравот сотиб олса бўлади, яхши уйқуни эмас; китобни, ақлни эмас, овқатни, иштаҳани эмас, дорини, саломатликни эмас; шоҳона яшашни, маданиятни эмас; кўнгилхушликни, баҳтни эмас; динни, гуноҳлардан қутулишни эмас.

Ибтидоий жамоа тузумида одамлар эрта туришган ва бир неча соатлаб жисмоний машқ қилишган. Тушликда тўйиб овқатланиб, дам олиб ётишган. Сўнгра то қуёш ботгунча меҳнат қилишган, қуёш ботгандан кейин ухлашга ётишган. Шундай қилиб, ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар суткасига 12 соатлаб ухлашган.

ҚАНЧА УХЛАШ КЕРАК?

Аслида қанча ухлаш керак? Бу саволга бир хил жавоб бериш қийин. Одамлар бир-бирларидан фарқ қиласдилар. Бирорларга кўп, бирорларга кам

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

ухлаш керак, деган аниқ қоиданинг ўзи йўқ. Ҳаётий қувват заҳираси кўл бўлган одамлар қисқа муддатли уйқуда сарфланган қувватни тўла тиклаб олиши мумкин, жисмоний ҳаракат функцияси кам, камқувват одамлар кўпроқ ухлашлари керак. Кўпчилик кишилар учун 7-8 соатлик уйқу кифоя, баъзиларга – кўпроқ, асосан, аёллар ва болаларга бир суткада 9-10 соат ухлаш етарли. Соғлом юракка эга бўлиш учун кунига албатта 8 соат ухлаш керак. Шундан 1-2 соати ярим тунгача бўлиши керак, мана шу уйқу ярим тундан кейинги 3 соатлик уйқунинг ўрнини босади.

ҚАНДАЙ УХЛАШ КЕРАК?

Бошни шимол томонга қаратиб ётиш керак. Яхшиси, айвон ёки шамол келиб турадиган хонада ухламоқ маъқул.

Ёстиқсиз ухлаган маъқул ёки ёстиқ юмшоқ ва текис бўлиши керак, чунки юрак бошга қонни юбориш учун кўп куч сарфламасин. Қаттиқ тўшақда ухлаганингиз маъқул. Бу мускулларнинг тўлиқ бўшашига, ҳаётий муҳим органларга босимни камайтириш ва қон айланишни тиклашда жуда муҳим. Поездда, автомобиль, самолётда юмшоқ тиқиндан фойдаланиш керак, чунки шовқин киши асабига, юракка таъсир қиласди. Шунинг учун яхшиси, тинч шароитда ухлаш керак.

Одам бир ўзи ухлаши керак, шунда ҳаётий энергияни яхши тўплайди. Агар икки киши бўлиб ухласа, бирининг танасидан чиққан заҳар иккинчисининг танасига ўтиши мумкин. Улар бир-бирига халақит беради. Эр-хотинлар ҳар қайсиси ўз

Юракни уй шароитида дөрисиз даволаш

ўринларида алоҳида ухласалар, яхши дам оладилар. Иложи бўлса, каравот икки кишилик бўлиши керак.

ҲАР ҚАНДАЙ ОДАМ ТУШЛИКДАН КЕЙИН ДАМ ОЛИШИ КЕРАК

Агар сиз бақувват юрагингиз, кучли асаб тизимингиз бўлишини хоҳласангиз, тушликдан кейин албатта дам олинг. Кун ўртасида дам олиш натижасида инсон жуда катта асаб қувватини қабул қиласди.

Мексикада, Жанубий Америка, Испанияда, Франция бу ёя федерал қонун билан тасдиқланган. Барча корхоналар соат 12:00 дан 14:00 гача ёпилади. Уйқу ва дам олиш тана ва юракнинг соғлом бўлишида муҳим роль ўйнайди.

ЮРАГИНГИЗ ХАСТА БЎЛСА..

Агар юрагингиз хаста бўлса, асло қуйинманг. Сизнинг организмингиз улкан тиклаш қувватига эга. Агар сиз ундан тўлиқ фойдалансангиз, юрак хасталикларига учун бебаҳо ёрдам бўлар эди.

**Соғлом юрак дастури
Ичмаслик, чекмаслик.**

Ухлаш учун етарлича вақт ажратиш.

Ўзига босим ўтказишига ҳеч кимга имкон бермаслик. Нохушликлар, стресслар, зўриқишик юрак хуружини «чақирмайди», аммо улар уни бартараф этишга ҳам ёрдам бермайди.

**Оддий табиий таомларни тановул қилиш,
энг муҳими, тўйиб овқатланмаслик!**

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Таомни аста-секин ва шошмасдан чайнаш,
бу – таом ҳазм бўлишининг биринчи шарти.

Жисмоний машқлар билан доимий равишда
машғул бўлиш. Бундай машқларни юрак ҳуру-
жининг қалтис пайтида тўхтатиб туриш мумкин.
Бу босқич ўтгач, юрак ҳамда қон юришини тик-
лайдиган машқлар қилиш керак.

Ҳиссиётли мунозараларга киришиб кет-
маслик. Уларга қимматли асаб қуввати сарф
этилади. Нохуш таассурот қолдирадиган ки-
шилар билан алоқага киришмаслик ва мурак-
каб вазиятлардан нари юриш керак.

Яхши одатларни эгаллаш. Бу умрни узайти-
риш учун асосий омиллардан бири.

Сунъий қўзғатувчилардан узоқ бўлинг –
қаҳва, чой, алкоголь истеъмол қилманг.

Юриш керак! Чуқур нафас олиш... Ва юриш,
юриш, юриш керак!

Ёғсиз, қовурилмаган гўшт истеъмол қилинг,
ундаги ёғларни олиб ташланг. Ҳафтада 2-3 мар-
та гўштни истеъмол қилиш билан кифояланинг.
Тўйинмаган сабзавот оқсилиари, яъни соя, кун-
габоқар пистаси, ошқовоқ ва ёнғоқлар (бодом,
педан, ерёнғоқ, Бразилия ёнғори, ўрмон, кедр ва
грек ёнғоқлари)ни енг!

Овқатингиз таркибидан тузни чиқариб ташланг.

Сутли маҳсулотларни асло истеъмол қил-
манг. Сут ва пишлоқ юқори тўйинган ёғларга
эга бўлади.

Ҳафта 2-3 таган кўп тухум еманг.

Мева ва сабзавотлар, хом ёки енгил пиширил-
ганлари таомнинг 50 фоизини ташкил этсин.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Шакарнинг консервалашган бирор турини истеъмол қўлманг. Улар заарли кимёвий моддалардан тайёрланади.

Шакарни бутунлай асалга алмаштиринг.

Ҳар ҳафта 24 соатлик оч қолишни одатга айлантиринг. Бу юракка ва бошқа аъзоларга физиологик дам беради ва ўлдирувчи холестеринни артерияларда камайтиришга ёрдам беради.

Ёдингиизда бўлсин, кам ёғли парҳез ва жисмоний машқлар қондаги холестерин даражасини пасайтиради.

ЮРАКНИ АЛМАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРИМ

"Агар сизнинг юрагингиз ишдан чиққан бўлса, уни бошқа юрак билан алмаштиришингиз мумкин." Жудаям баландпарвоз гаплар! Нега одам ўз юраги ҳақида қайғурсин, агар уни хоҳлаган пайтда янгиси билан алмаштириш мумкин бўлса. Инсон доимо енгил йўлни танлайди.

Жанубий Африка Республикасида яшовчи таниқли шифокор Кристиан Бернард 1968 йили Йохеннесбургда жаҳонда биринчи марта инсоннинг юрагини алмаштиришга муваффақ бўлди. Натижада дастлабки мижозларининг умри 18-20 кунгача, кейингиларининг умри 18-22 йилгача узайди. Кристиан Бернард Россия жамоатчилик телевидениясига 1994 йилда берган интервьюсида инсонларга ўз юракларини алмаштирмасликни маслаҳат берди. "Нега?" деган саволга у шундай жавоб берди: "Ҳозирги замон техникаси тараққиётида инсонлар дунёқарashi жуда тез

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

ўзгармоқда. Шу боис катта ёшдаги ва кичик ёшдаги кишиларнинг дунёқараси мутлақо зиддигидан кўп муаммолар келиб чиқади."

Кристиан Бернард 1996 йилда 76 ёшида вафот этди.

Мен юрак хуружидан қутулиш бўйича бир неча маълумотларни келтираман. "Соғлом юрак дастури да юрак хуружининг олдини олиш учун огоҳлантиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Юрак касалликларини даволамайман. Мен даволаниш учун дори ҳам ёзиб бермайман. Мен фақат Америка юрак ассоциациясининг юракнинг соғлом бўлиши учун кундалик жисмоний машқлар билан шугулланиш ва илмий жиҳатдан асосланган холда овқатланиш услугига тўлиқ қўшиламан ва уни одамлар орасида тарқатаман.

ЮРАК ХУРУЖИДАН КЕЙИН ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК ЗАРАРЛИМИ?

Юрак жуда катта қувват манбаига эгаки, оддий ҳаётда фақатгина жуда кам ҳолларда: кризис ёки зарурат пайтида ундан фойдаланилади. Спортчилар бу қўшимча қувватдан фойдаланишга мажбурлар.

Ҳатто юракнинг бир неча хуружидан кейин ҳам унинг қувват заҳираси камаймайди ва фойдаланишга тайёр туради. Лекин фойдаланишни меъёрдан оширмаслик керак. Юрак касали билан оғриганлар ўзларини ортиқча толиктирсанларида огоҳлантирувчи симптомлар (белгилар) пайдо бўлади. Булар кўкрак қафасининг оғриши ва нафас олишининг қийинлашиши. Бу билан

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

бемор организмнинг жисмоний ҳаракаттина ошириб юборгани, ҳаракатни камайтириш кераклигини эслатиб қўяди. Бундай огоҳлантиришлар жисмоний меҳнат қилаётганда, кутилмаган руҳий зарба пайтида ёки қаттиқ қайфурганда ва чарчаганда ҳам вужудга келиши мумкин.

Организм доимо ўзгариб туришини эслатиб қўймоқчиман. Ҳар бир дақиқада сиз бир дақиқа аввалги ҳолатда бўлмайсиз. Организм доимо яхши ёки ёмон томонга ўзгариб туради. Ҳар дақиқада эски тўқималар ўрнига янгилари пайдо бўлади. "Мен организмда қанақанги янги тўқималарни шакллантираяпман? Бу тўқималар тирик овқат туфайли ҳосил бўладими ёки ўлик овқат туфайлими?" дея ўзингизга тез-тез савол бериб туринг.

Агар сиз алкоголь, кофе, чой, оқ нон, рафинадли оқ қанд, тузланган егуликлар ва тўйинган ёғли овқатларни тановвул қиласангиз, унда нимжон тўқималар ишлаб чиқарасиз. Улар сизга беҳаловатлик беради. Агар сиз, ушбу китобдаги тавсияларга, соғлом юрак дастурига амал қиласангиз, юрагингиз ва танангиз соғлом бўлади. Бариси ўз қўлингизда. Мен сизга фақат тавсия қиласман. Агар сизнинг юрагингиз хаста бўлса, ҳеч иккиланмай дарҳол меъёрида ва унумли ишлашни бошланг. Сиз ҳеч қачон "ЁМОН" юрак фаоллик билан хайрлашишга олиб келади, деган нотўғри хуносага келманг.

Муаммоларингиз билан юзма-юз турган ҳолда ёмон одатларингизни яхши одатлар билан алмаштиринг. Бу ақдий ва жисмоний жараён, ақл танангизнинг ҳаракатини бошқариши керак. Ҳеч вақт танангиз ақлнинг устидан ҳукмронлик қили-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш
шига йўл қўйманг. Ақл билан тана ўзаро ҳамжи-
ҳатлиқда бўлса, инсоннинг кайфияти, саломат-
лиги аъло даражада бўлади.

МЕНЮ №1

НОНУШТА

1. Янги узилган мевалар ёки бир стакан янги сиқилган апельсин шарбати.
2. Соя уни ва асал аралашмаси билан тайёрланган (кесиб, бўлакланган банандан таъбга кўра қўшиш мумкин) тўқ дон ёки буғдой майсаси ва асал билан ёки тун бўйи ивитиб қўйилган туршак.

ЯРИМ ТУШЛИК

1. Ўсимлик ёғи қўшилган лимон ва сабзавотлардан тайёрланган салат.
2. Қайнатилган картошка ёки қўнғир тусли гуруч (картошкани пўсти билан ейиш керак).
3. Қайнатилган ёки бутда пиширилган сабзи.
4. Асал ва олма шарбати аралашмаси ёки янги узилган мева.

ТУШЛИК

1. Лимон шарбати, ёғли зиравор майдада тўғраган карам аралашмаси.
2. Димлаб пиширилган ошқовоқ ва ловия.
3. Кунгабоқар пистаси мағзи ва майиз.

МЕНЮ № 2

НОНУШТА

1. Янги сиқилган апельсин шарбати.
2. Буғдой дони ва ёғли зиравор қўшиб димланган қора олча.

ЯРИМ ТУШЛИК

1. Ўсимлик ёғи ва лимон қўшилган сабзавотлардан тайёрланган салат.
2. Вегетарианча овқат (қайнатилган чечевица, дуккакли доңлар, пиёз, саримсоқ, тайёр бўлишига 10 дақиқа қолганида томат солинади).
3. Янги узилган мевалар.

ТУШЛИК

1. Янги узилган мевалардан тайёрланган салат.
2. Лавлаги барги.
3. Аспарагус.
4. Хурмо ва ёнғоқлар.

ИНСУЛЬТ

Ҳар йили неча юз минглаб одамлар инсульт курбони бўлишади. Беморларнинг кўпчилиги бу касалликни қариликнинг "инъоми" деб ўйлашади, Лекин кейинги йилларда инсультдан ёшлар ҳам азият чекишаётки.

Қони камайган ёки мияга қон келиши мутлақо тўхтаган кишилар инсультнинг қурбони бўлишади. Миядаги асаб тўқималарига қон келмаса, улар кислород ва озуқадан маҳрум бўлади. Тананинг шу асаб тўқималари назорати остидаги қисмлари ишламай қолади.

Бундай фалажликнинг натижаси мияга бўлган салбий таъсирни қай даражадалигига ва жиддийлигига боғлиқ. Инсульт ўлимга ҳам олиб.келади. У тана ёки тананинг айрим қисмларини шол қилиши, мумкин. Инсультнинг "енгил" даражаси нутқ бузилишига сабаб бўлиб, ҳаракатни қийинлаштиради ва хотиранинг йўқолишига олиб келади.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Инсультдан кейин касалланган түқималар тикланади ёки уларнинг вазифасини миянинг бошқа түқималари ўз зиммасига олади. Баъзи беморларда жароҳат шундай бўладики, соғлик сеқин-аста тикланиши учун маълум муддат давомида кутиш керак бўлади.

Фалаж бўлган bemорлар ҳаётий фаолиятини тиклаш мақсадида уларнинг овқатланишлари ва жисмоний машқлар билан шуғулланишларига эътибор қаратиш лозим. Ҳаракатланмаслик қон айланишини ёмонлаштиради ва соғлик тикланишини қийинлаштиради. Инсульт юрак хуружи сингари бошланади. Артерия холестерин ва минерал қолдиқлари билан тиқилиб қолади. Натижада қоннинг томирлардан ўтиши қийинлашади. Торайган ва шамоллаган артериядан қон ўтаеттганда ўта қуюқлашади. Бундай қон қаттиқ ҳаракатланганда томир деворидан кўчади ва қон оқимиға кўшилиб, қон йўлларини тўсиб қўяди.

Агар юрақдаги ҳаётий муҳим артериялар тўсиб қўйилса, унда юрак хуружи ёки коронар тромбози вужудга келади. Агар шу жараён миядаги артерияда бўлса, "миядаги юрак хуружи" деб атадиган инсульт содир бўлади.

АЁЛЛАР, ЭРИНГИЗНИНГ ҲАЁТИ СИZNИНГ ҚЎЛИНГИЗДА!

Аёллар, агар эрларингиз соғлом, бақувват бўлиб, узоқ умр кўришини хоҳласангиз, уларни ҳар куни эрталаб бадантарбия билан шуғулланишга мажбур қилинг, уларни тўғри овқатлантиришга одатланинг. Эрингиз ва оила аъзоларингиз умрини қисқартира-

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

ман, десангиз, уларга ёғли овқатлар тайёрлаб беринг. Уларнинг ҳаёти ва саломатлиги сизнинг кўлингизда. Агар сиз ушбу китобда эркакларнинг саломатлигини асраш ҳақида қайд этилган маслаҳатларга амал қиласангиз, сиз оила аъзоларингизни ҳавас қилар даражада тұла куч-қувватта эга бўлганини кўрасиз. Шуни ёдда тутингки, ёшилар ҳам юрак хуржидан вафот этишлари мумкин. Шунинг учун фарзандларингизни тўғри овқатланишга ўргатинг. Кўпроқ янги сабзавотлардан салат, димлама, мевали десерtlар тайёрланг. Ҳар қайси овқаттага қанча ёғ солиш меъёрини ўзингиз белгиланг. Гўшт ёғсиз ва чала қовурилган бўлиши керак. Зиравалардан воз кечинг. Улар холестеринга ўта тўйинган. Сутли овқатларни чекланг. Унутманг, катталарга сут маҳсулотлари керакмас! Уларга гиёхлар – ялпиз, беда,райхон, наъматақдан тайёрланган чой беринг. Кофе ва тузни умуман истеъмол қилдирманг. Бунинг мукофоти - бахтли ва соғлом оиладир.

ТЎЙИМЛИ ОВҚАТНИ КУННИНГ ЎРТАСИДА ЕНГ

*Меъёридан ортган ҳамма нарса
табиатнииг ғашини келтиради.
Гиппократ.*

Америкаликларнинг кучли овқати кечки вақтга тўғри келади. Юрак касалликлари нуқтай назаридан олганда кечки пайт ёғли овқатларни тўйиб ейиш хавфли. Олимларнинг аниқлашларича, соат 2.00 дан 8.00 гача қон қуюқлашади. Шу боис кучли кечки овқатдан иложи борича воз кечиш керак. Шундай қилиб, қон томирла-

Юракни уй шароитида дөрисиз даволаш
ридаги тиқинларни ҳосил құлмасликнинг одиди-
ни олиш мүмкін.

Шифокорларнинг гувоҳлик беришларича, куч-
ли овқатдан кейин коронар тромбоз бўлиш ҳол-
лари йиллар давомида одий ҳол бўлиб келган.

Нафақаҳўрлар кечки овқатни соат 19.00 гача
еийшлари мүмкін. Кечки овқат учун идеал овқ-
ат - вегетарианлар овқати. Лимонли салатни ёғли
зира ворга аралаштириб, истеъмол қилинг. Қай-
натиб пиширилган икки хил сабзавотдан тайёр-
ланган салат енг.

Мен соғлом ва узок умр кўриш учун иштаҳа-
ни очадиган мазали таомлардан узокроқ юринг.
Француз ошпазларининг тайёрлаган таомлари
бутун жаҳонга машҳур. Булар коронар касал-
ликларига қарши таомлардир. Француз ошпаз-
лари овқат тайёрлашда туз, қалампир, мурчдан
фойдаланишмайди, ёғни ҳам жуда кам ишлати-
шади. Уларнинг таом тайёрлаш сирлари шуки,
тиёхлардан, саримсоқ, пиёз, қўзиқорин ва яшил
қалампирдан кўпроқ фойдаланишади.

ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИНГ

Ҳаёт - табиий танлов. Ўзингиздан бошқа ҳеч
ким, ҳа, ҳеч ким юрагингизни асраш ҳақида ўйлаб
кўрмайди.

Юрагингиз соғлом, бақувват бўлиши учун ҳара-
кат қилиб яшаш сизнинг бурчингиз. Сиз билим-
лар, донишмандлик билан яшашингиз керак.

Бу китоб сизга "Соғлом юрак дастури" бўлиб,
юрагингиз ҳақида илмий маълумотлар бериш учун
ёзилган.

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

Дастурда машҳур олимлар билан бирга, тадқиқочилар ва дунё статистларининг кўплаб маълумотлари тўпланган. Бугунги кунда айрим шифокорлар юракни алмаштириш билан шуғулланишяпти. Мен органлар алмасилгандан кейинги ривожининг келажагига унчалик ишонмайман, лекин юрак хасталиклари ҳақида олдиндан огохлантиришларига ишонаман. Юрак ишдан чиқишини кутиш нега керак? Яхшиси, хасталикнинг олдини олишимиз афзал.

ҲАР ҚАНДАЙ ЁШДА ҲАМ ЁШ БЎЛИБ ЮРИНГ

Сизнинг биринчи туғилган кунингиз - ҳаётнинг бошланиши эди, кейингилари эса, янги ҳаётни янгича даражада бошлаш учун имконият.

Тақвим йилларига қарамасдан туриб, ёшликнинг баҳтли дамларини бошдан кечириш мумкин. "Софлом юрак дастури"да тавсия қилинганидек, соғлом турмуш тарзида яшаб туриб сиз ёшлик қувончларини ҳис қила оласиз.

"Қариялар"га ўзингизни улар даражасида фикрлашга йўл қўйманг. Шуни ёдда тутингки, инсон артерияси қанчалик ёш бўлса, унинг танаси ҳам шунчалик ёш бўлади. Сиз шу даражада соғлом турмуш тарзини бошдан кечирингки, артериаларингиз ёш бўлиб қолсин. Агар сизнинг артериаларингиз ва фикрларингиз ёш бўлса, унда сиз ҳар доим ёш бўлиб қолаверасиз.

Кишининг ёши ўтган йилларга эмас, балки ўзини яхши ҳис қилишига боғлиқ.

ЭНДИ ИШГА КИРИШИНГ

Сиз бу китобни ўқиб чиқингиз. Энди ўзингизнинг "Софлом юрак дастури" нгизни бошлашингиз мумкин. Бу йўналишда соғлом бўлиш истаги етарли эмас, фақат ҳаракат керак.

Бугунданоқ ҳаракатни бошланг.

Ҳозирданоқ "Софлом юрак дастури" устида иш бошланг! Ўз олдингизга аниқ мақсад - соғлом юракни яратиш мақсадини қўйинг. Салбий фикрлардан воз кечинг. Барча топшириқларни бажара олишингизга ишонинг. Ахир она табиатдек қудратли куч сизга ёрдам беришга шай бўлиб турибди-ку. Ҳар куни ўзингизга ўзингиз такрорланг: "Менда соғлом, кучли, бақувват юрак бўлиши керак!" Ҳар доим юракнинг кучи ва ҳаётий қобилиятилигига ишонинг.

Ўз организмингизга эгалик қила билинг. Сиз юракка салбий таъсир қиласидан бир пиёла кофе ичиш, тамаки чекиш, спиртли ичимлик ичиш, тузли, ёли овқатларни истеъмол қилиш хоҳишига қарши қатъият билан тура билишингиз керак. Танангиз ва ақлингиз устидан ҳукмронликни тўлиқ қўлга олинг ва "Софлом юрак дастури"ни бажаришда сизга бирорларнинг халақит беришига йўл қўйманг.

Сизга Яратган томонидан битта юрак, битта тана, бир бора яшаш имконияти инъом этилган. Унинг иттифоқдошлиги туфайли узок, соғлом, баҳтли ҳаёт кечирасиз. Агар ўзингизда хоҳиш бўлмаса, яхши яшашингизга табиат ҳам ёрдам бера олмайди.

Энди эса ишга киришинг.

СОФЛИКНИНГ ҮНТА ТАМОЙИЛИ

1. Ўз танангизга ҳаётнинг энг буюк инъоми сифатида муносабатда бўлинг.
2. Табиий бўлмаган ҳар қандай овқат ва сархуш қилувчи ичимликлардан ўзингизни тия билинг.
3. Фақат сифатли, табиий ишлов берилмаган овқатларни истеъмол қилинг.
4. Ҳаётингизни севгига ва яхши инсонларга яхшилик қилишга бағишиланг.
5. Жисмоний фаолликни дам олиш билан мослаштириб, ўз организмингизни тикланг.
6. Тоза ҳаво ва қуёш нури билан тўқималар ва қонингизни тозаланг.
7. Турли касалликларга чалинган чоғингизда ҳар қандай овқатдан воз кечинг.
8. Ҳис-хаяжонсиз, секин ўйланг ва гапиринг.
9. Табиат қонунлари ҳақидаги билимларингизни тўлдиринг ва уларни қўллай билинг, ўз меҳнатингиз маҳсулидан роҳатланинг.
10. Табиатнинг барча қонунларига тўла бўйсунишгача еting ва бошқаларни ҳам шунга ўргатинг.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
МЕН НИМЖОНГИНА БОЛА ЭДИМ	4
ДУНЁДА ЭНГ АЖОЙИБ МЕХАНИЗМ БУ - СИЗНИНГ ТАНАНГИЗ	4
БУ МАШИННИНГ САМАРАЛИ ИШЛАШИГА ИМКОН БЕРИНГ	5
ЮРАК ХУРУЖИНИНГ САБАЛЛАРИ	6
ЯШАШ УЧУН КУРАШ СИРЛАРИ	7
БОЙЛИК УЧУН САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ ГАРОВГА ҚЎЙМАНГ	8
САЛОМАТЛИКНИ ҚАНДАЙ ТИКЛАШ КЕРАК?	9
КАСАЛНИ ДАВОЛАГАНДАН КЎРА УНИНГ ОДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ	10
ЮРАК ХУРУЖИ – БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ҚОТИЛ	11
ЮРАК ВА ҚОН АЙЛАНИШ СИСТЕМАСИ	11
ЮРАК, БУ - МУШАК	12
АРТЕРИЯЛАР ВА ВЕНАЛАРНИНГ МУРАККАБ ТИЗИМЛАРИ	13
ҚОННИНГ ТОЗАЛАНИШИ	14
ЮРАК УРИШ РИТМИ	14
ЮРАК ХУРУЖИ НИМА?	15
ЮРАК ХУРУЖИДА БҮЙРАКНИНГ ИШТИРОКИ	16
ИНСУЛЬТ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАМИЗ?	16
ЮРАК ХУРУЖИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?	17
ҚОНДА ХОЛЕСТЕРИН ДАРАЖАСИНИНГ МЕЪЕРИ	17
ОЧЛИК - ҚОНДАГИ ХОЛЕСТЕРИННИ КАМАЙТИРИШНИНГ ЭНГ ТЕЗ ВА ТАБИЙ УСУЛИ	18
ОРГАНИЗМДА ҚАНЧА ЁҒ ТҮТЛАНАДИ?	18
ҮЛИМГА САБАБ БЎЛУВЧИ ЁГЛАР	19
ЮРАК БЎЙИЧА ДОКТОР УАЙТНИНГ СЎЗЛАРИ	20
ДОКТОР КАРРЕЛНИНГ АЖАБТОВУР КАШФИЁТИ	21
ҚОН - ҲАЁТ ДАРЁСИ	22
ЮРАКНИ СОГЛОМ АСРАШ УМР КЎРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ	22
ОРИКЧА ВАЗНДАН ТАШВИШЛНИНГ	23

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

СЕМИЗЛИК- ДУШМАНИНГИЗ	24
БАҚУВВАТ ЮРАКНИ АСРАШ УЧУН КУНДАЛИК МАШҚЛАР	24
ПИЁДА ЮРИШ ҚУВОНЧИ	25
ҲАЁТИНГИЗ УЧУН ЮГУРИНГ	26
ЮГУРИШ МАШҚЛАРИНИ ҚАНДАЙ БОШЛАШ КЕРАК?	27
ҚОННИНГ АЙЛАНИШИ УЧУН 5 ТА МАШҚ	28
СОГЛОМ ЮРАК СИРИ - ҚОННИНГ ЯХШИ АЙЛАНИШИ	29
БИР ЖОЙДА КҮП ЎТИРИШ ХАВФЛИ	30
ҚАНДАЙ ЎТИРИШ КЕРАК?	30
ҚҰЛ ВА ОЁҚ БАРМОҚЛАРИДАГИ ҚОН ЮРИШИНИ ҚАНДАЙ ЯХШИЛАШ МУМКИН?	31
ТАМАКИ, АЛКОГОЛЬ, КОФЕ, ЧОЙ, ТУЗ ВА ТҮЙИНГАН ЁҒЛАР БИЛАН АРТЕРИЯНГИЗНИ ТҮЛДИРМАНГ	31
ЧЕКИШ ВА ЎПКА ЭМФИЗЕМАСИ	32
ЧЕКИШ ОРГАНИЗМДАГИ С ВИТАМИНИНИ ЙЎҚОТАДИ	33
ШУ БУГУНДАН БОШЛАБ ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ	34
ҚАХВА ВА ЧОЙ - НАРКОТИKLAR	35
АЛКОГОЛЬ - ОРГАНИЗМНИНГ ДУШМАНИ	35
КҮП ОВҚАТЛАНИШ – СОГЛИҚҚА ЗИЁН	36
ЕЙИЦДАН ЎЗИНГИЗНИ ТИЯДИГАН ОВҚАТЛАР	36
ЁМФИР СУВИ ВА МЕВАЛАР ШАРБАТИ - ТАБИИЙ ДИСТИЛЛАНГАН СУВ	38
ГҮШТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ	39
ЁҒЛАРНИ ҚАНДАЙ ТАНАЛАШ КЕРАК?	40
ЁҒЛАРНИНГ ТАНАДАГИ ВАЗИФАСИ	40
САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ОЗУҚАЛАРДИР	41
КАЛЬЦИЙНИНГ ОРГАНИЗМГА ЗАРУРАЛГИ	42
ТУЗНИНГ ҚОН БОСИМИГА ТАЪСИРИ	42
ТУЗ ИНСОНГА ҲЕЧ НАРСА БЕРМАЙДИ	43
ҮЛИМ ДАРАЖАСИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ТУЗДАН ЎЗИНГИЗНИ ТИЙИНГ	43
ОВҚАТНИ КҮП ТАНОВВУЛ ҚИЛМАНГ	44
ОЧЛИК - ЮРАК УЧУН ДАМ ОЛИШ	44
КИМ ОЗ ЕСА, У КҮП ЯШАЙДИ	45

Юракни уй шароитида дорисиз даволаш

ОЧЛИКДАН ҚҮРҚМАНГ!	45
ҚАТТИҚ УЙҚУ - МУСТАХКАМ ЮРАК	46
ҚАНЧА УХЛАШ КЕРАК?	46
ҚАНДАЙ УХЛАШ КЕРАК?	47
ҲАР ҚАНДАЙ ОДАМ ТУШЛИКДАН КЕЙИН ДАМ	
ОЛИШИ КЕРАК	48
ЮРАГИНГИЗ ХАСТА БЎЛСА	48
ЮРАКНИ АЛМАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРИМ	50
ЮРАК ХУРУЖИДАН КЕЙИН ЖИСМОНИЙ	
ФАОЛЛИК ЗАРАРЛИМИ?	51
МЕНЮ №1	53
МЕНЮ № 2	53
ИНСУЛЬТ	54
АЁЛЛАР, ЭРИНГИЗНИНГ ҲАЁТИ СИЗНИНГ	
ҚЎЛИНГИЗДА!	55
ТЎЙИМЛИ ОВҚАТНИ КУННИНГ ЎРТАСИДА ЕНГ	56
ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИНГ	57
ҲАР ҚАНДАЙ ЁШДА ҲАМ ЁШ БЎЛИБ ЮРИНГ	58
ЭНДИ ИШГА КИРИШИНГ	59
СОФЛИКНИНГ ЎНТА ТАМОЙИЛИ	60

Агадий-маърифий нашр

ЮРАКНИ УЙ ШАРОИТИДА ДОРИСИЗ ДАВОЛАШ

**Муҳаррир: Маҳмуда Абдуллаева
Техник муҳаррир: А. Турсунов
Саҳифаловчи: И. Нуруллоҳ
Мусахҳих: Нилуфар Мавлонова**

Нашр. лиц. А1 № 104, 15.07.2008 йил.
Босишига 20.02.2013 йилда ружсат этилди. Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.
Офсет босма. BaltikaUz гарнитураси. Босма табори: 3,0.
Адади: 1000. Буюртма №.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«MERRYUS» хусусий мағбаа-нашриёт корхонасида
нашрга тайёрланди.
Манзил: ген. Узоков кўчаси, 2-А уй

«Shams ASA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бунёдкорлар кўчаси, 28-уй.
Мурожаат учун тел.: 350-47-07.